ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ (Бухоро тажрибаси)

Ўқув-услубий қўлланма

БУХОРО – 2024

МУНДАРИЖА

	Кириш	3
1.	Маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида “маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этиш	5
2.	Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш ва камбағалликдан чиқариш бўйича ижтимоий-иқтисодий дастурларни самарали амалга ошириш	10
3.	Маҳаллаларни саноатлаштириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш ҳамда кооперацияни ривожлантиришда маҳалла салоҳиятини ишга солиш	17
4.	Томорқа ва уй хўжаликларини ривожлантириш, “маҳалла драйвери” ва кооперация лойиҳаларини амалга ошириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш	21
5.	Бўш турган биноларни маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ижарага бериш тартиби	29
6.	Маҳаллада криминоген вазиятни яхшилаш, оғир аҳволга тушган фуқароларни қўллаб-қувватлашда “Маҳалла еттилиги” томонидан жиноятчиликнинг ижтимоий профилактикасини амалга оширилиши	35
7.	“Ижтимоий давлат” тамойили асосида маҳалла даражасида аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдамларни кўрсатиш тизимини ташкил этиш механизмлари	40
8.	Маҳаллаларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш бўйича манзилли ишларни ташкил этиш	47
9.	Маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда “Қизил” тоифадаги ёшлар билан мақсадли ишлаш тизимини ташкил этиш	54
10.	Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш	61
11.	Маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, янги ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун “Маҳалла бюджети”ни шакллантириш	66
12.	Маҳалла аҳолиси қалбида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси асосида маҳалладаги маънавий-маърифий ишларни кучайтириш	70
13.	Ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланаётган шахсларга субсидиялар ажратиш	75
14.	Маҳаллада ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш	80

КИРИШ

Маҳалла – халқ билан мамлакат ўртасидаги ишонч кўприги сифатида хизмат қиладиган, инсонни жамиятнинг бир қисми бўлишга ўргатадиган, уни бағрикенглик ва халқпарварлик руҳида тарбиялайдиган макондир. Жонажон диёримизда маҳаллалар жуда кўп бўлиб, уларнинг ўзига хос номлари бизга тарихдан сўзлайди. Чунки уларда халқимизнинг узоқ ва шонли тарихи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, маданий мероси акс этади.

Мана шундай буюк қадриятлар маскани бўлмиш маҳаллаларга эътибор давлатимиз раҳбари томонидан кун тартибига қўйилган. Шарққа хос маданиятни ўзида жамлаган маҳаллаларимиз нуфузини ошириш, маҳалла орқали юртимиз ривожи учун хизмат қилиш бурчимиздир. Президентимиз ўз нутқларида “Биз фаолиятимизнинг биринчи кунларидан ҳамма ишни маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилиб келяпмиз. Бу тизимни босқичма-босқич ривожлантирдик.

Энди яна қўшимча куч, имкониятлар бериляпти. Бу ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини” деб таъкидлаганлари ҳам бежизга эмас. Чунки маҳаллалар том маънода халқнинг дардини енгил қилувчи, уларнинг ишончли маконига айланмоқда.

2023 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш, маҳалла “еттилиги” фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ўтказилган йиғилишда бир қатор вазифалар белгиланган эди.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш учун маҳалла бошқарув тизимини такомиллаштириш ва маҳалла “еттилиги” фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрда “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинган бўлиб, унга кўра,

- маҳалла ободлигини таъминлаш;

- “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезонларини жорий этишда аҳолининг фаол иштироки ва масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

- маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакилларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш;

- маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш, камбағал оилаларга ажратилаётган бюджет маблағлари ва бошқа маблағларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш;

- маҳаллаларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, уларга ажратиладиган маблағларни марказлашган тарзда тақсимлаш;

- соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

- маҳалла масъулларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмалари шаклланишига кўмаклашиш вазифалари белгилаб берилганлиги таъкидланди.

Албатта, бу каби аниқ қўйилган мақсад ва вазифалар ўз натижасини беради. Чунки халқимиз ишонадиган ва суянадиган энг биринчи маскан бу – маҳалладир. Шу боисдан ҳам халқимизга янада кўпроқ хизмат қилиш учун маҳалла ходимлари сони эндиликда “бешлик” эмас, “еттилик” тизимига ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, янгидан ташкил қилинаётган бу тизимдаги ижтимоий ходимнинг вазифаси оғир аҳволга тушиб қолган ёки шу аҳволга тушиш эҳтимоли бўлган фуқаролар ҳамда оилалар билан ишлайди, эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда уларга комплекс ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизмат кўрсатишни, кўмаклашишни ташкил қилади.

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ МУАММОЛАРНИНГ ЎЗ ВАҚТИДА ВА САМАРАЛИ ЕЧИЛИШИДА “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

И.ф.д., проф. А.Ш.Бекмуродов

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида** муҳим устувор йўналишлар қаторида халқ хизматидаги давлат ташкил этиш ва жамоатчилик бошқарувини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли саъй-ҳаракатлар белгилангани эътиборга молик. Унинг мақсади аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда кундалик масалаларни ҳал этишда маҳаллани жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги **“таянч кўприк”**ка айлантирилиши кўрсатиб ўтилди.

Ўз навбатида, молия, солиқ, бандлик каби идораларнинг камида **30 фоиз** ваколатларини маҳалла даражасига тушириш, маҳаллаларда **100 дан ортиқ** давлат хизматларини **“бир қадам”**да кўрсатишни йўлга қўйиш, маҳаллаларни ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этиш учун уларга ажратиладиган маблағлар миқдорини камида **3 баробар** кўпайтириш, аҳоли ташаббуси билан инфратузилмани яхшилашга ажратиладиган маблағларни **24 триллион сўм**га етказиш, маҳаллалар бюджетига мол-мулк ва ер солиқлари ҳисобига йилига **3 триллион сўм** тушиши таъминланишини самарадорлик кўрсаткичи сифатида таъкидлаш жоиз.

Бугун юртимизда жаҳонда тан олинган маҳалла институтини янада ривожлантириш йўлида дадил қадамлар қўйилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 21 декабрда қабул қилинган “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга маъсул бўлган шахслар фаолиятини

самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятли бўлди.

Бинобарин, ушбу ҳужжатга кўра, **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси**ни, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларини ташкил этиш назарда тутилди.

Уюшманинг асосий вазифалари этиб, маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги **“кўприк”** вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишига кўмаклашиш, маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш кабилар белгиланди.

Шунингдек, ҳар бир фуқаро ўзи ва оиласининг келажаги молиявий аҳволи ва фаровонлигини таъминлашда масъулиятни сезиши, боқимандаликка ўрганмаслик ҳиссини янада кучайтириш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш, фуқароларни ўз уйи ва кўчасини озода сақлашга миллий қадрият ва урф-одатларни ҳурмат қилишга чақириш, маънавий ва маърифий ишларда маҳалланинг ўрнини кучайтириш, аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш чораларини кўриш каби вазифалар ҳам кўзда тутилди.

Фармонда мамлакатдаги **9552 та** маҳаллани бирлаштирган янги уюшманинг асосий вазифалари белгилаб берилган:

- маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги «кўприк» вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халқчил тузилмага айланишига кўмаклашиш;
- маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш;
- ҳар бир фуқаро ўзи ва оиласининг келажаги, молиявий аҳволи ва фаровонлигини таъминлашда масъулиятни сезиши, боқимандаликка

ўрганмаслик ҳиссини янада кучайтириш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш;

- фуқароларни ўз уйи ва кўчасини озода сақлашга, миллий қадрият ва урф-одатларни ҳурмат қилишга чақириш, маънавий ва маърифий ишларда маҳалланинг ўрнини кучайтириш, аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш чораларини кўриш;
- «маҳалла еттилиги» томонидан маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишда кўмаклашиш;
- маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакилларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш;
- маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш, камбағал оилаларга ажратилаётган бюджет маблағлари ва бошқа маблағларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш;
- маҳаллаларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, уларга ажратиладиган маблағларни марказлашган тарзда тақсимлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- маҳалла масъулларининг малакасини ошириш, уларда замонавий бошқарув кўникмалари шаклланишига кўмаклашиш.

Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашига бош вазир, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларига тегишлича Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси ва ҳокимлар раислик қилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳатли, **“маҳалла еттилиги”** томонидан маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишда кўмаклашилади. Маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакиллари саъй-ҳаракатлари бирлаштирилади.



Шунингдек, фармонда 2024 йил 1 январдан Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларида **«Маҳалла бюджети»** тизими жорий этилиши белгиланди. У илк бор 2023 йилда ҳудудларнинг биттадан туманида жорий этилган.



Янги тизим доирасида ҳар бир маҳаллада мавжуд бўлган «Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси»га қуйидаги маблағлар ажратилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг (нотурар жойлар бўйича ундириладиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бундан мустасно) **10 фоизи**;

- маҳалла идоралари орқали кўрсатилган давлат хизматлари учун ундирилган йиғимнинг **10 фоизи**;

- маҳалладаги ҳудуди **2000 квадрат метр**гача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини ҳокими ёрдамчиси онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда;

- маҳалланинг мол-мулкини белгиланган тартибда ижарага беришдан олинадиган маблағлар;

- маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси тўғрисидаги низомда белгиланадиган бошқа маблағлар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларини қайта тақсимлаган ҳолда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ортда қолаётган маҳаллаларга йўналтириши мумкин.

Кўриб турганимиздек, қабул қилинаётган қарор ёки фармонларнинг туб моҳияти халқимизнинг яхши шароитларда яшаши, ҳар бир инсоннинг ривожланиши учун фойдали бўлишга қаратилгандир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Замон шиддат билан ўзгаряпти. Маҳаллани жойларда муаммоларни чинакам ҳал қиладиган институтга айлантиришимиз зарур. Яна тажриба орттирамиз, яна ўзгартирамиз. Ҳаёт бизни шунга мажбур қиляпти. Ҳозирги таҳликаларга ечим топамиз десак, бизнинг ягона йўлимиз – маҳалла, маҳалла, маҳалла ва яна бир марта маҳалла. Маҳалла тизими обрўйини қанча кўтарсак, одамлар ишонади, одамлар биздан рози бўлади”. Бу ишларга эса барчамиз масъулмиз.

МАҲАЛЛАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРЛАРНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ

И.ф.д., проф. О.Х.Хамидов

Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг куни кеча вилоятимизга ташрифлари чоғида белгилаб берилган устувор вазифалар қадим Бухоронинг яқин истиқболдаги ривожланиш стратегияларини ўзида мужассам этади.

Хусусан, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилишда Давлатимиз раҳбари вилоятимизни камбағаллик, ишсизлик ва жиноятдан холи ҳудудга айлантириш ҳамда бошқа бир қатор муҳим соҳаларда **“Бухоро тажрибаси”**ни яратишни устувор вазифа сифатида белгилаб бердилар.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, вилоятда расман **55,5 минг** нафар фуқаро ишсиз деб қайд этилган бўлса, бу ойда яна **21,5 минг** битирувчилар меҳнат бозорига кириб келади.

2024 йил бошида ҳудудимиздаги **238 минг** аҳолининг даромади паст бўлиб, камбағаллик даражаси **11,8 фоиз**ни ташкил этган.

Хусусан, йил бошида **54 минг**дан зиёд камбағал оила рўйхатга олинган бўлиб, шу даврга қадар амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида уларнинг **26 минг**га яқинини камбағаллик даражасидан чиқаришга эришилди.

Бу борада қолган **30 минг**дан ортиқ эҳтиёжманд оилаларни ҳам камбағалликдан чиқариш вилоятимизни камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришга хизмат қилиши барчамизга маълум.

Шундан келиб чиққан ҳолда, **Бухоро давлат университети** педагоглари ва мутахассислари томонидан ҳудудларда оилавий

тадбиркорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бунда Иқтисодиёт ва туризм факультети таркибидаги кафедралар профессор-ўқитувчиларидан тренерлар гуруҳлари шакллантирилиб, вилоятнинг **Қоракўл** ва **Олот** туманларидаги эҳтиёжманд оилаларга тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш учун тренингларни бошлаб юборишди.

Асосий мақсад, эҳтиёжманд оилаларни камбағалликдан чиқариш орқали вилоятимизни камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш борасида “Бухоро тажрибаси”ни амалга оширишга катта ҳисса қўшишдир.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг ҳар йилги тегишли Қарорлари билан вилоятда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун **1 трлн. сўм**дан ортиқ имтиёзли ресурс маблағлари ажратилиб келинмоқда.

Бугун 30 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилаларни тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва шу орқали бандлигини таъминлаш мақсадида, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ушбу имтиёзли кредитлар ажратилишига эришилса, ушбу оилалардаги камида 3 кишининг бандлиги таъминланишига эришилади.

Бунинг учун қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ишлаб чиқариш, ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантириш керак.

Таҳлилларга кўра, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларига биноан аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилда Давлатимиз раҳбарининг ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган тегишли қарори асосида вилоят бўйича 1,1 трилион сўм ажратилган бўлиб, шундан **827,4 миллиард** сўм имтиёзли кредит ўзлаштирилиши ҳисобига **34 мингта** иш ўрни барпо этилган. Жойларда касаначилик, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги соҳаларида фуқаролар бандлиги таъминланганлиги ўз амалий натижасини бериб турибди.

Гарчи шундай бўлсада, оилавий тадбиркорликни давр талаблари даражасида ривожлантириш масаласида бир қатор ечимини кутиб қолган

муаммолар ҳам йўқ эмас. Бунда энг катта муаммо – фуқароларда ҳуқуқий саводхонликнинг етишмаслиги, тадбиркорлик кўникмаларининг йўқлиги банклар томонидан ажратиладиган кредитлардан унумли фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Олинган кредитларнинг белгиланган муддатларда қайтаришда мавжуд қийинчиликлар юзага келаётганлиги асосий сабабларидан бири ҳам шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам, ўтган йилда тегишли дастурлар доирасида ажратилган кредитлар бўйича юзага келган муаммоли (NPL) кредит қарздорлиги вилоят бўйича **53,9 млрд.** сўм бўлиб, бу кредит портфели (1,6 трлн. сўм)нинг **3 фоиз**ини ташкил этган.

Жорий йилда **30 минг** эҳтиёжманд оилаларни камбағалликдан чиқариш орқали вилоятимизни камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантириш борасида “Бухоро тажрибаси”ни амалга оширишда оилаларнинг тадбиркорлик билим ва тажрибаларини шакллантириш ҳисобланади.

Бухоро вилояти мисолида маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш ва камбағалликдан чиқариш бўйича ижтимоий-иқтисодий дастурларни самарали амалга ошириш учун қуйидаги асосий чора-тадбирлар ва стратегияларни кўриб чиқиш мумкин:

Бухоро вилояти маҳаллаларида тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш ва камбағаликдан чиқариш бўйича чора-тадбирлар

1. Тадбиркорликни ривожлантириш йўллари сифатида:

№	Тури	Мақсади
1.1. Молиявий ёрдам ва кредитлар		
1.	**Кичик ва ўрта бизнесга кредитлар**	Бухоро вилоятида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар бериш орқали уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш
2.	**Грантлар ва субсидиялар**	Инновацион ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар учун грантлар ва субсидиялар тақдим этиш
1.2. Таълим ва тренинглар		
1.	**Тадбиркорлик бўйича семинарлар ва курслар**	Янги тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун махсус таълим дастурлари ташкил қилиш
2.	**Менторлик дастурлари**	Тажрибали тадбиркорлар томонидан янги бизнес эгаларини қўллаб-қувватлаш ва йўналтириш
1.3. Инфратузилмани яхшилаш		
1.	**Технологик парклар ва бизнес-инкубаторлар**	Тадбиркорликни ривожлантириш учун технологик парклар ва бизнес-инкубаторларни ташкил қилиш
2.	**Интернет ва алоқа хизматлари**	Рақамли технологиялардан фойдаланишни осонлаштириш учун интернет ва алоқа хизматларини яхшилаш

2. Ишсизликни камайтириш мақсадида инвестицияларини жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш бўйича:

№	Тури	Мақсади
2.1. Янги иш ўринларини яратиш		
1.	**Инвестицияларни жалб қилиш**	Бухоро вилоятига янги инвестицияларни жалб қилиш ва янги иш ўринларини яратиш
2.	**Ижтимоий корхоналар**	Кам таъминланган қатламларга иш берувчи ижтимоий корхоналар ташкил қилиш
2.2. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш		
1.	**Малака ошириш курслари**	Ишсизлар учун янги касблар бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш
2.	**Стажировка ва амалиётлар**	Ишсиз ёшлар учун компанияларда стажировка ва амалиётларни ташкил қилиш

3. Камбағалликни камайтириш мақсадида ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш. Бунда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, яъни маҳаллаларда тиббий хизматларни яхшилаш ва барча аҳоли қатламлари учун қолай шарт-шароитлар яратиш. Камбағал оилалар фарзандлари учун бепул таълим ва ўқув дастурларини ташкил қилиш.

№	Тури	Мақсади
3.1. Ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш		
1.	**Тиббий хизматлар**	Маҳаллаларда тиббий хизматларни яхшилаш ва барча аҳоли қатламлари учун қолай шарт-шароитлар яратиш
2.	**Таълим хизматлари**	Камбағал оилалар фарзандлари учун бепул таълим ва ўқув дастурларини ташкил қилиш
3.2. Ижтимоий инфратузилмани яхшилаш		
1.	**Малака ошириш курслари**	Ишсизлар учун янги касблар бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш
2.	**Стажировка ва амалиётлар**	Ишсиз ёшлар учун компанияларда стажировка ва амалиётларни ташкил қилиш

4. Ҳукумат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш. Бунда тадбиркорлик, ишсизликни камайтириш ва камбағалликдан чиқариш бўйича ҳукуматнинг махсус дастурларини ташкил этиш.

№	Тури	Мақсади
4.1. Ҳукумат дастурлари		
1.	**Ҳукуматнинг дастурлари**	Тадбиркорлик, ишсизликни камайтириш ва камбағалликдан чиқариш бўйича ҳукуматнинг махсус дастурлари ва ташаббуслари
2.	**Мукаммал мони-торинг ва баҳолаш**	Дастурларнинг самарадорлигини баҳолаш ва натижаларга асосан уларни яхшилаш
4.2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)		
1.	**ННТларнинг иштироки**	Ижтимоий дастурларни амалга оширишда ННТларнинг иштирокини таъминлаш
2.	**Ҳамкорлик алоқалари**	Ҳукумат ва ННТлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва биргаликда ишлаш

Юқорида зикр этилганидек, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантиришда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Низомга мувофиқ қуйидагича тартибда ишлаш белгиланган:

✓ енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун – (***базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача)***;

✓ суғориш воситалари харид қилиш учун – ***(базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача***);

✓ уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун – ***(базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача)*** субсидиялар ажратилади;

✓ қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун – ***(базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида);***

✓ “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидагиларга дастгоҳ харид қилишга сарфланган харажатларни қоплаб бериш учун – ***(базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида);***

✓ “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун – ***(базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида);***

✓ жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун ***(базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорида);***

✓ Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўладиган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини ҳариди учун ***7 миллион сўмгача, хотин-қизларга 10 миллион сўмгача субсидиялар ажратилади***;

✓ тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки

уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун – ***(базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида);***

✓ аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳлаётган ишсиз шахсларга – якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун – сарфланадиган харажатларни тўлашда бир марталик;

✓ касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг ўқув хоналарида ўқитиш қийин бўлган қуйидаги касб йўналишларида “уста-шогирд” анъаналари асосида ҳунар ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки ҳунар ўргатаётган ***(ёки ўргатмоқчи бўлган) усталарга шогирдлар тайёрлаш ёки шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун уч ой мобайнида ҳар бир шогирдга (бироқ, шогирдлар сони беш нафардан ошмаган ҳолда)*** ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача миқдорида субсидия ажратилади.

Махалаларда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш ва камбағалликдан чиқариш бўйича ижтимоий-иқтисодий дастурларни самарали амалга ошириш учун комплекс ёндошув зарур. Бу мақсадга эришиш учун молиявий ёрдам, таълим ва тренинглар, инфратузилмани яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳамда ҳукумат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

МАҲАЛЛАЛАРНИ САНОАТЛАШТИРИШ, ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА КООПЕРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛА САЛОҲИЯТИНИ ИШГА СОЛИШ

И.ф.н., проф. Ҳ.Р.Ҳамроев

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, барқарор иқтисодий ўсишга фақат аҳолининг инвестициявий фаоллигини ошириш ҳамда миллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш шароитида эришиш мумкин. Қатор мамлакатлар тажрибаси (Хитой, Корея, Венгрия, Тайван...) шуни кўрсатадики, инвестициявий фаолликни рағбатлантирувчи жуда самарали восита – бу **эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ)**ни яратишдир. Яъни,

- Божхона тўловлари;
- Солиқ солиш;
- Субсидиялаш;
- Баҳо белгилаш;
- Валютада алоҳида имтиёзли тартиб ўрнатиш;
- Ўзига хос механизмларни қўллаш кўплаб миқдорда молиявий, моддий, технологик ва меҳнат ресурсларини ўзига жалб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралдаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги 604-сонли қонунининг **10-модда**сига мувофиқ, **эркин иқтисодий зона** деб – янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудудга айтилади.

Қонуннинг **9-модда**сига биноан мамлакатимизда эркин ЭИЗнинг қуйидаги турларини яратиш мумкин:

- Эркин иқтисодий зоналар;
- Махсус илмий- технологик зоналар;
- Туристик - рекреацион зоналар;
- Эркин савдо зоналари;
- Махсус саноат зоналари.

Ушбу қонунда очиш ва фаолият юритишга рухсат берилган зона турлари жаҳондаги эркин иқтисодий зоналарнинг деярли барча турларини ташкил этиш имконини беради. Ўзбекистон учун ЭИЗ иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини ривожлантириш, халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим қуроли ҳисобланади.

Ўзбекистон учун эса ЭИЗни яратиш **хорижий капитал, ноу-хау, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, замонавий менежмент билан маҳаллий хом-ашё, меҳнат ва илмий-техник ресурслар**ни қўшишнинг энг самарали қуроли ҳисобланади.

ЭИЗ нафақат ўз территориясига, балки ўз территориясидан ташқарига, миллий иқтисодиётга кучли таъсир этади. Бу таъсир асосан модернизациялаш характерига эга ва у қатор канал, механизмлар орқали амалга ошади. Булар:

Биринчи канал – ҳудуднинг алоҳида олинган мамлакат даражасида кўзга ташланишидир. Ўзининг янгилиги билан бу ҳудудлар ва унда ташкил этилган биринчи хорижий фирмалар миллий тадбиркорларнинг эътиборини ўзига жалб қилади. Натижада ҳудудда қўлланилаётган ишлаб чиқаришни бошқариш, ташкил этиш ва экспортни ривожлантириш борасидаги янги усулларни ҳудуддан ташқарида қай тарздадир ўрганиш самарасини ҳосил қилади.

Ўрганиш каналлардан яна бири – маҳаллий фирмаларнинг ҳудудда мавжудлигининг ўзи. Хорижий фирмалар билан ташкилий жиҳатдан яқинлиги муҳим фирмалараро алоқаларни яратиш, маҳалий ва

хорижий фирмаларни бошқариш ва технологик даражаларининг муқаррар равишда бир-бирига яқинлашишига олиб келади.

Учинчи канал – техник мутахассислар, бошқарувчилар, ишчиларнинг фирмалараро миграция жараёнидир. Миқдор жиҳатдан бу миграция унчалик катта бўлмаслиги мумкин, аммо сифат жиҳатдан анча аҳамият касб этади. Олдин ҳудуддаги илғор корхонада ишлаб, замонавий менежмент, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техника ва технолигия билан ишлаган ходим ҳудуддан ташқарига ишга борганида, у ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланишига таъсир қилиши мумкин.

ЭИЗ мураккаб ташкилот бўлиб у қуйидагилар билан характерланади:

- ўзаро бир-бири билан боғланган мақсадлар тўплами;
- натижага эришиш учун ресурсларнинг мавжудлиги (кадрлар, капитал, материаллар, технологиялар ва информация);
- ташқи муҳитга боғлиқлиги (иқтисодий шароитлар, истеъмолчилар, касаба уюшмалари, қонунчилик, рақиб ташкилотлар, жамиятдаги қадриятлар тизими, техника ва технологиялар);
- горизонтал ва вертикал меҳнат тақсимоти;
- аниқ, махсус вазифани бажарувчи ва аниқ, махсус мақсадларга эришувчи бўлимларнинг мавжудлиги;
- бошқаришнинг зарурлиги.

ЭИЗни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг аниқ бир мақсадга эришиш учун, ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш учун, ушбу таррақиёт босқичида умумиқтисодий контексдан устивор сифатида ажратилган мамлакат хўжалиги комплексининг таркибий қисми сифатида аниқлаш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда **23 та эркин иқтисодий** ва **348 та кичик саноат зонаси** фаолият олиб бормоқда. Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати **2,6 млрд. доллар**лик **453 та лойиҳа** амалга оширилиб, **36 мингга яқин** иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида эса

5 трлн. сўмлик **1497 та лойиҳа** ишга туширилиб, **36 мингдан зиёд** кишининг бандлиги таъминланган.

Бизнес инкубаторлар ЭИЗларнинг энг содда шакли ҳисобланади. Уларни вилоятдаги **ҳар бир маҳалла**да ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Маҳаллада бизнес қилишга қийналиб қолган маҳалладошларга аниқ ёрдам бериш учун энг самарали йўл саналади. Маҳалла фаоллари бизнес – инкубаторлар орқали уларга жой масаласида, арзон кредит масаласида, арзон ишчи кучи масаласида кўмак бера олади.

Бухоро шаҳри мамлакатимизни энг аҳамиятли туристик шаҳри ҳисобланади, шуни инобатга олиб бу шаҳарда **туризмга ихтисослашган эркин иқтисодий зона**ни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Унинг филиали сифатида **Когон, Ромитан, Ғиждувон** туман марказларида туристик кластерларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Улар Бухоро шаҳрини туристик салоҳиятини бойитишга, юртимизда туристларни кўпроқ қолишга имкон беради.

Бундан ташқари, 2020 йил 10 июлдаги Вазирлар Маҳкамасининг 433-сон қарорига кўра, **“Фуқаролар йиғинларига “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ва “Туризм овули” мақомини бериш тартиби тўғрисида”ги Низом**нинг тасдиқланиши ва унинг ижроси Ўзбекистонни йирик ҳамда жозибадор сайёҳлик марказларидан бирига, туризмни эса иқтисодиётимизнинг етакчи соҳасига айлантиришга мустаҳкам замин яратиши муқаррар.

ТОМОРҚА ВА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, “МАҲАЛЛА ДРАЙВЕРИ” ВА КООПЕРАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ

И.ф.н., доц. Д.Ш.Явмутов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги “Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5214-сонли, 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-55-сонли қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу яратилган ҳуқуқий асослар оилавий тадбиркорлик ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда янги босқични бошлаб берди.

Жумладан, ушбу қўлланмада **“маҳалла еттилиги”** учун аҳамиятли бўлган қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

томорқа хўжалиги – шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир.

уй-хўжалиги – бир уйда бирга яшаётган, умумий фондга ўз даромадлари ва бойликларини тўлиқ ёки қисман ўтказаётган, айрим товар ва хизматларни биргаликда исте'мол қилаётган кишиларнинг катта бўлмаган гуруҳидир.

маҳалланинг драйвер соҳалари – ҳудуд аҳолиси даромадларини ошириш ва иш билан банд қилишда муҳим бўлган фаолият йўналишлари ҳисобланади.

кооперация – ўзаро боғланган ишлаб чиқариш жараёнида ёки саноат тармоқларида кишиларнинг ёки ташкилотларнинг ҳамкорлик асосида ишлашини ташкил этиш шакли.

Бандлик хизмати – мамлакат миқёсида аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини амалга оширувчи ва фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаб берувчи давлат хизмати.

“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали **деҳқон ва фермерлар** даромадини камида **2 баравар** ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида **5 фоиз**га етказиш мақсад қилиб қўйилди.

Ушбу мақсадга эришиш учун:

- туманларни аниқ маҳсулот турига ихтисослаштириш;
- қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш;
- янги ва фойдаланишдан чиққан **464 минг** гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очиқ танлов асосида ажратиш;
- **200 минг** гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳамда аҳолига очиқ танлов асосида узоқ муддатли ижарага бериш каби бир қанча вазифалар белгилаб олинди.

Маҳаллаларнинг **“ўсиш нуқталари”** ва **“драйвер”** лойиҳаларни аниқлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш, маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллабай ишлаш тизими орқали камбағалликни қисқартириш ва даромадларини ошириш қуйидагилардан иборат:

- маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб аҳолининг камбағал қатлами даромадини оширишга сафарбар этиш, “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали камбағал аҳоли билан манзилли ишлаш йўллари самарадорлигини ошириш;
- ҳар бир маҳалла инфратузилмасини шакллантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, давлат тасарруфидаги инфратузилма обектлари, ер участкалари, бўш турган обектлардан давлат-хусусий шериклик асосида самарали фойдаланишдан иборат.

“Маҳалла драйвери” ва “кооперация лойиҳалари” самарадорлигини янада оширишнинг устувор йўналишлари

- Маҳаллалардаги мавжуд имкониятлар, хомашё ресурслари, инфратузилма ҳолати, ишчи кучининг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир маҳаллани ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Маҳаллаларни ривожлантириш йўналишларидан келиб чиқиб уларнинг ихтисослашувини аниқлаш ва “драйвер” лойиҳалар рўйхатини шакллантириш;
- Маҳаллаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;
- Маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб аҳолининг камбағал қатлами даромадини оширишга сафарбар этиш, “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали камбағал аҳоли билан манзилли ишлаш йўллари самарадорлигини ошириш;
- ҳар бир маҳалла инфратузилмасини шакллантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, давлат тасарруфидаги инфратузилма обектлари, ер участкалари, бўш турган обектлардан давлат-хусусий шериклик асосида самарали фойдаланиш;
- Ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб иш шароитлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш доирасида қуйидаги имкониятларга эга бўлиш мумкин:

➢ ҳар бир маҳалладаги иқтисодий ҳолат, шу жумладан, аҳолининг бандлик даражаси, оилаларнинг даромад манбалари, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатлари ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилишлари ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш имкониятлари яратилади;

➢ ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолияти янада такомиллаштирилади;

➢ тадбиркорлик субектлари фаолиятида тўсиқ бўлаётган (ер ажратиш, қурилиш учун рухсат, турли хил фаолиятлар учун лицензия, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик учун ажратиш, коммуникация тизимларига уланиш) муаммолар тезкорлик билан ҳал этилади;

➢ тадбиркорлик ва хизматлари кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратилади ҳамда аҳоли бандлиги ва аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланади;

➢ фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан харид қилинган, шунингдек, ўз майдонларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, қуритиш, қадоқлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳамда экспорт қилиш;

➢ давлат-хусусий шериклик фаолиятини амалга ошириш орқали маҳаллаларда бўш турган обектлар ва бўш ерлардан фойдаланиш самарадорлиги оширилади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш мақсадида томорқа ва уй хўжаликларини ривожлантириш, “маҳалла драйвери” ва кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича бир қатор тавсиялар ва кўрсатмалар мавжуд.

Йўналишлар	**Вазифалар**
1. Томорқа ва уй хўжаликларини ривожлантириш	
Томорқадан фойдаланишни яхшилаш	Томорқа учун ечимли ва самарали ердан фойдаланиш услубларини тадбиқ қилиш
	Ҳар бир уй хўжалигида экологияга зарарсиз ва инновацион усуллардан фойдаланиб, маҳсулот етиштиришни таъминлаш
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш бўйича кўрсатмалар ва методлар
	Маҳсулотларни бозорга чиқариш ва сотиш жараёнини яхшилаш учун стратегиялар
2. “Маҳалла драйвери” лойиҳаси	
Лойиҳанинг мақсад ва вазифалари	“Маҳалла драйвери” лойиҳасининг аҳамияти
	Лойиҳа орқали маҳалланинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ҳисса қўшиш
Лойиҳани амалга ошириш қадамлари	Маҳалланинг эҳтиёжларини ўрганиш ва таҳлил қилиш
	Лойиҳани амалга ошириш учун режа ва стратегиялар ишлаб чиқиш
3. Кооперация лойиҳалари	
Кооперациянинг аҳамияти	Кооперациянинг жамият ва иқтисодиёт учун аҳамияти.
	Кооперациянинг уй хўжаликлари ва томорқалар ривожланишига таъсири
Кооперация лойиҳаларини амалга ошириш	Кооперация тузилмасини яратиш ва унинг фаолиятини таъминлаш
	Кооперацияга аъзо бўлиш ва унинг манфаатлари ҳақида маълумот бериш

Томорқа ер майдонларидан икки ва уч марта ҳосил олиш механизми

Томорқа ер майдонларидан икки ва уч марта ҳосил олиш

№	Туманлар номи	Томорқа ер эгалари		Шу жумладан					
				уч марта экин экилади		икки марта экин экилади		бир марта экин экилади	
		сони (минг)	майдони, (га)	сони (та)	майдони, (га)	сони (та)	майдони, (га)	сони (та)	майдони, (га)
1	Бухоро	43 332	3 472	15 080	1 208	27 126	2 175	1 127	89
2	Вобкент	30 809	2 853	10 722	993	19 286	1 787	801	73
3	Жондор	40 815	4 107	14 204	1 429	25 550	2 573	1 061	105
4	Когон	20 928	2 122	7 283	739	13 101	1 329	544	54
5	Қоракўл	31 608	6 862	11 000	2 388	19 787	4 299	822	175
6	Қ-бозор	4 530	364	1 576	127	2 836	228	118	9
7	Олот	21 125	4 471	7 352	1 556	13 224	2 801	549	114
8	Пешку	31 241	4 594	10 872	1 599	19 557	2 878	812	117
9	Ромитан	32 944	3 681	11 465	1 281	20 623	2 306	857	94
10	Шофиркон	42 344	4 859	14 736	1 691	26 507	3 044	1 101	124
11	Ғиждувон	63 727	5 323	22 177	1 852	39 893	3 334	1 657	136
12	Бухоро ш	29 968	333	10 429	116	18 760	209	779	9
13	Когон ш	7 956	60	2 769	21	4 980	37	207	2
Жами:		**401 327**	**43 101**	**139 665**	**15 000**	**251 230**	**27 000**	**10 435**	**1 101**

2024 йилда Аҳоли томорқаларидан фойдаланишда самарадорлигини ошириш мақсадида амалга ошириладиган асосий вазифалар

«Бир маҳалла бир маҳсулот» тамойилига ихсослашадиган маҳаллалар	248 та МФЙ	123 073 хонадон
1-3 сотихли ихчам иссиқхоналар	12907 хонадон	232 гектар
Сув таъминотини яхшилаш	67 та МФЙ	8,2 млрд сўм
Қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари – 90 та	Кичик ҳажмли совуткичлар – 70 та	
Томорқа хизмати кластерлари (8 та) + 3 та	Бухоро 1та, Жондор 1 та, Олот 1 та, Когон 1 та, Пешку 1 та, Вобкент 1 та, Ромитан 2 та	

Томорқа ер майдонларидан алмашлаб экиш орқали олинадиган ҳосил

Жами:

1548,3 минг. тн

- ***654,7 минг. тн*** — ***Эртаки экинлар***
- ***518,5 минг. тн*** — ***Такрорий экинлар***
- ***375,2 минг. тн*** — ***Тўқсонбости экинлар***

Истеъмол учун – 178,7 минг тонна

Экспорт учун – 79,5 минг тонна

Ички бозорга – 119,2 минг тонна

Захира учун – 19,8 минг тонна

"Томорқа хизмати" МЧЖлар *томонидан* ***шудгорлаш, кимёвий ишлов бериш, уруғлик, сабзавот ва мевали кўчат*** *етказиб бериш,* ***ихчам иссиқхоналар*** *қуриш ва етиштирилган маҳсулотларни сотиб олади.*

Уруғликлар – 4,2 тонна

Кўчатлар – 1,1 млн та

Талаб этиладиган маблағ – 2,0 млрд.сўм

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш Жамғармасидан **21,1 млрд.сўм**

Фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши:

– томорқа ер эгаларига экспортбоп экинлар экиш ҳамда парваришлаш тўғрисида услубий тавсиялар бериш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш бўйича **"Томорқачилик илмий марказлари"да** қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш;

- ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштиришнинг инновацон усулларини кенг жорий этиш бўйича амалий семинарлар ташкил этиш;
- йил давомида деҳқон хўжаликлари экин майдонларида маҳсулотлар етиштиришда агрономлар хизматларини ташкил этиш ва мониторинг ишлари олиб боради.

БУХОРО ВИЛОЯТИДА АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИ, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА БОҒ-ТОК ОРАЛАРИГА ЭКСПОРТБОП ТЎҚСОНБОСТИ ВА БАҲОРГИ ЭКИНЛАРНИ ЭКИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА–ТАДБИРЛАРИ

Бухоро вилоятида 2024 йилда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш

Йил	МФЙ сони	Томорқа сони, та	Томорқа экин майдони, гектар	Баҳорги экинлар, гектар	Такрорий экинлар, гектар	Кузги экинлар (авг-сент пиёзи, тўқсонбости), гектар	Алмашлаб экиладиган жами майдон, гектар	Маҳсулот, тонна	Ихтисослашув
2023	441	401,3	43101	35671	29781	13832	79284	1448920	236
2024				38115	36000	26090	100205	1548529	248

Экспортбоп ва эрта баҳорги, тўқсонбости усулида экинларни етиштиришни кучайтириш вазифалари

ТОМОРҚАДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕХАНИЗМИ

Жами 2024 йил якуни билан
43,1 минг гектар 1548,5 минг тонна

- **2 марта ҳосил:** 251 минг хонадон *(62,5 фоиз)*
- **3 марта ҳосил:** 139 минг хонадон *(34,6 фоиз)*
- **Иссиқхона:** 12,9 минг хонадон *(232 гектар)*

Пиёз ва саримсоқпиёз уруғчиликни кенг йўлга қўйиш

Томорқа хизмати кластерлар

1. "Гулчанг томорқа хизмати кластери" МЧЖ
2. "Зандани агро гранд томорқа хизмати кластери" МЧЖ
3. "Вобкент агро фрукт томорқа хизмати кластери" МЧЖ

Экин турлари	2023-йил	2024-йил
Саримсоқпиёз *(майдаси)*	1,1 минг гектар 7,4 минг тонна	1,1 минг гектар 7,8 минг тонна
Пиёз *(қизил, оқ)*	2,3 минг гектар 41,4 минг тонна	3,4 минг гектар 43,3 минг тонна
Петрушка	1,1 минг гектар 13,8 минг тонна	1 минг гектар 14,4 минг тонна
Кашнич	0,6 минг гектар 7 минг тонна	0,4 минг гектар 4,3 минг тонна
Укроп	0,7 минг гектар 7,8 минг тонна	0,8 минг гектар 8,1 минг тонна
Кўкпиёз	0,6 минг гектар 8,3 минг тонна	0,4 гектар 8,3 минг тонна
редиска	0,6 минг гектар 4,8 минг тонна	0,6 минг гектар 4,9 минг тонна

«Бир маҳалла бир маҳсулот» тамойили асосида ихсослашадиган маҳаллалар

1. Интенсив сабзавотчилик
2023 й.: - 116 та МФЙ,
2024 й.: - 121 та МФЙ (+5 та МФЙ)
2023й.: 61,1 минг хонадон
2024 й.: 66,1 минг хонадон (+5000 хонадон).

2. Картошкачилик -
2023 й.: - 18 та МФЙ,
2024 й.: - 19 та МФЙ (+1 та МФЙ)
2023 й.: 8,8 минг хонадон
2024 й.: 9,2 минг хонадон (+430 хонадон).

3. Мева-боғдорчилик *(гилос, олма ва бошқалар)*-
2023 й.: - 34 та МФЙ,
2024 й.: - 36 та МФЙ (+2 та МФЙ)
2023 й.: 15,2 минг хонадон.
2024 й.: 15,7 минг (+500 хонадон).

4. Полизчилик
2023 й.: - 15 та МФЙ,
2024 й.: - 16 та МФЙ (+1 та МФЙ)
2023 й.: 8,7 минг хонадон
2024 й.: 9,1 минг (+410 хонадон)

Бир маҳалла бир маҳсулот» тамойили асосида маҳаллалар ихтисослашув (ДРАЙВЕРИ):
248 та

Боғ-Токзорлар орасига тўқсонбости экинларини экиш

Жами боғ-ток майдони 29 178 гектар
Боғ- 17 483 гектар
Ток- 11 696 гектар

- Экин экиладиган майдон 18 675 гектар
- Боғлар - 12 238 гектар
- Токзорлар - 6434 гектар

- Пиёз – 1775 гектар
- Саримсоқпиёз – 349 гектар
- Сабзи – 4103 гектар
- Кўкатлар – 5292 гектар
- Карам – 257 гектар
- Бошқалар – 7038 гектар

МАБЛАҒИ 36,3 млрд сўм

- Кенгаш ҳузуридаги Жамғарма 21,1 млрд сўм
- Ташаббускорлар маблағи 4,2 млрд сўм
- Банк кредити 8,5 млрд сўм
- Бошқа маблағлар 2,5 млрд сўм

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан бир қанча **имтиёзлар** берилди:

- кластер усулида фаолият юритадиган «Томорқа хизмати» МЧЖларга **3 йил** муддатга кредит ёки уларнинг устав капиталига кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан улуш ажратилиши;

- аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун **20-30 тонна**лик кичик ҳажмли совутгичлар барпо этиш учун кредит ажратилиши;

- тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида уч ой имтиёзли давр билан бир йил муддатга **4 фоиз** банк маржасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида **2 миллион сўм**гача Оилавий тадбиркорлик маркази хулосасисиз **On-line тарзда** томорқа ер эгаларига микрокредитлар ажратиш механизмини жорий этилди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, маҳаллалар доирасида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан кластер ташкилотлари ўртасида мустаҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатилишига қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

1. Маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, деҳқончилик, балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мевасабзавотчилик йўналишларида оилавий тадбиркорлик орқали даромад топиш, иш билан банд бўлиш истагида бўлган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиши;

2. Хомашё етиштириш, уни ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш – буларнинг барчаси битта субъект томонидан амалга оширилиб, маҳсулотнинг арзон ва сифатли бўлиши;

3. Маҳаллалар аҳолисини қишлоқ хўжалигида оилавий тадбиркорликка жалб этувчи ва қўллаб–қувватловчи бошқариш тузилмаси ва механизмининг ишлаш самарадорлигининг пастлиги;

4. Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳамда корхоналарнинг тизимли занжири ташкил қилиниши эвазига турли йўқотишлар камайиши ва хомашёга муҳтожлик сингари ҳолатлар барҳам топиши;

5. Қишлоққа саноатнинг кириб бориши туфайли одамлар индустриал меҳнат бобида ҳам кўникма, малака ҳосил қилиб, инновацион ғояларнинг айнан қишлоқларда шаклланиш имконияти юзага келиши;

6. Маҳалла аҳолисини қишлоқ хўжалигида оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ турли даражадаги муаммоларни мавжудлиги;

7. Кластер таркибидаги деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари,корхоналар ва бошқа субъектларнинг барқарор ишлаши таъминланиши;

8. Кластерга асосланган иш юритиш механизми ҳар қандай шароитга мослаша олиши, шунинг баробарида иқтисодий, ижтимоий муаммолар ҳал қилинишига кўмаклашиши;

9. Бир қанча соҳалар мутахассислари кооперацияси вужудга келиши ҳамда бу ўз навбатида, инновацион иқтисодиётга ўтиш учун йўл очиши.

10. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасидаги муаммоли кредитларнинг вужудга келмаслигига замин яратилиши.

БЎШ ТУРГАН БИНОЛАРНИ МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБИ

Б.С.Исомов.

Мамлакатимизда давлат ёки жисмоний шахсларнинг мулки бўлган моддий объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда тадбиркорлик фаолияти субъектларига ижарага бериш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ижарага олувчи – ушбу Қўлланмада назарда тутилган тартибда ва шартларда объектнинг ижара шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс – тадбиркорлик фаолияти субъекти (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти);

ижарага берувчи – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги давлат мулкини ижарага бериш марказлари;

ҳудудни ободонлаштириш – объектларнинг тарихан шаклланган ташқи кўринишини ҳисобга олган ҳолда ер юзаси қопламасидан фойдаланиш, манзарали кўкаламзорлаштириш ва сув чиқариш, мукаммал бўлмаган иншоотлар ва кичик архитектура шаклларини қуриш, ташқи томонини ёритиш, кўзга кўринарли ахборот, реклама ва бошқа воситалар ҳисобига ҳудудни яхшилаш чора-тадбирлари қўлланган ҳолда амалга ошириладиган ҳудуднинг хавфсизлиги, қулайлиги ва бадиий ифодалилигини таъминлашга ҳамда унинг атрофида қулай туризм инфратузилмасини яратишга доир чора-тадбирлар;

инвестиция мажбуриятлари – объектни ва унга туташ ҳудудни зарур тарзда сақлаш, тиклаш, ободонлаштириш ҳамда ундан фойдаланиш мақсадида шартнома шартлари бўйича ижарага олинадиган инвестициялар киритишга доир мажбуриятлар;

танлов – танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган мезонлар ва шартларга мувофиқ талабгорлар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлаш воситасида ижарага олувчини аниқлаш шакли;

объектлар – давлат мулки бўлган ва ўзида тарихий, илмий, бадиий ёки бошқа маданий қимматни ифодалайдиган моддий маданий мерос объектларини, яъни ҳайкаллар, ансамбллар ва диққатга сазовор жойлар;

ишчи орган – туман, шаҳар ҳокимлиги вакиллари,фуқаролик йиғини вакиллари, туман,қишлоқ оқсоқоллар кенгаши вакиллари;

танлов комиссияси – туман, шаҳар ҳокимлиги вакиллари, фуқаролик йиғини вакиллари, туман,қишлоқ оқсоқоллар кенгаши вакиллари томонидан ташкил этиладиган комиссия;

объектлар – вақтинча бўш турган ер майдонлари ва бинолар;

талабгор – моддий объектларни ва уларга туташ ҳудудларни инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда, таклиф этилган шартларда ижарага олиш учун талабгорларни танлаш бўйича танловда иштирок этиш ниятини билдирган юридик ёки жисмоний шахс – тадбиркорлик фаолияти субъекти (Ўзбекистон Республикаси фуқароси).

Уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериладиган моддий маданий мерос объектлари рўйхатларига киритилган объектлар ижарага берилиши мумкин.

Ижара объектлари қуйидагилардан иборат:

- яшаш турар жойлари ёки бинолари (дала ҳовли, дача, ер участка);
- болалар боғчаси бинолари;
- маъмурий бинолар;
- мактабларнинг умумий фаолиятига зарар етказмайдиган ҳолда ижарага берилиши мумкин бўлган ер майдони ва бинолари.

Ижара мақсади – ер майдони ва бинолардан самарали фойдаланиш.

Ижарага берилиши мумкин бўлган объектларда қуйидагиларни ташкил қилиш мумкин:

а) кўргазма заллари;

б) меҳмонхоналар;

в) алкоголли ичимликлар сотилмайдиган умумий овқатланиш шохобчалари (чойхоналар, кафелар, ошхоналар, ресторанлар);

г) ҳунармандчилик марказлари (ўймакорлик, тикув, қўлда бажариладиган тўқув ишлари, ганчга, дарахтга нақш ўйиш, эсдалик совғалари тайёрлаш), бадиий-ижодий устахоналар;

д) савдо фаолияти (алкоголли ичимликлар сотилмайдиган);

э) эсдалик совғалари ва ҳунармандчилик буюмлари сотиш;

ж) компьютер, нусха кўчириш ва Интернет-хизматлар, фотосалонлар;

з) идоралар, агентликлар, туризм бюролари;

и) спорт заллари, кинотеатрлар;

к) банклар, почта хизматлари пунктлари, авиа ва темир йўл кассалари, маиший техникага сервис хизмати кўрсатиш пунктлари;

л) модалар ателъеси, гўзаллик салонлари, намойиш қилиш заллари;

м) кутубхоналар, анжуманлар заллари, музейлар, болалар тўгараклари, чет тиллар курслари ташкил этиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Диний объектлар ушбу мақсадлар учун ижарага берилиши мумкин эмас.

Ижарага берилган объект, шунингдек ижарага олувчининг объектни ёки унинг бир қисмини ижарага олиш ҳуқуқи ўзгага берилиши, гаровга қўйилиши ёки ижарага берувчи томонидан бошқача тарзда учинчи шахсларга инъом қилиниши мумкин эмас. Ижарага олувчи ижарага олинган объектни, шу жумладан субижара шартларида учинчи шахсларга беришга ҳақли эмас.

Ижарага берувчи объектларни ижарага бериш мақсадида ижарага бериладиган объектлар бўйича эълон беради, объектларни ижарага олишга буюртманомаларни қабул қилади ва уларнинг рўйхатдан ўтказилиши, махфийлиги ва сақланишини таъминлайди.

Ижарага бериладиган объектлар бўйича эълон мажбурий тартибда даврий нашрларда, шунингдек ишчи орган, Ўзбекистон Республикаси Давлат

активларини бошқариш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши шарт.

Объектнинг ижараси тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- ижарага берувчининг номи ва почта манзили, у билан боғланиладиган телефон ва факс, электрон почта манзили;
- объектни бериш шартлари, ижара объекти тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан реставрация-тиклаш ишларини олиб бориш, уни сақлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шартлари, Моддий маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритилган кадастр ахбороти ва бошқа зарур маълумотлар;
- инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдорлари;
- объектни ижарага олиш муддати;
- танлов комиссияси ва унинг ишчи органининг хоҳишига кўра бошқа маълумотлар.

Объектнинг **ижара шартномаси** ишчи орган, балансда сақловчи, ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида тузилади. Шартнома таклифларни кўриб чиқиш баённомасида кўрсатилган муддат мобайнида барча тарафлар томонидан имзоланиши керак.

Объектнинг ижара шартномасида қуйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилади:

- ✓ объектнинг тўлиқ номи ва жойлашган жойи (объектнинг тавсифи);
- ✓ объектнинг шартнома тузилган кундаги техник ҳолати;
- ✓ объектдан фойдаланиш мақсадлари;
- ✓ объектга нисбатан ижарага олувчининг қўриқлаш мажбурияти (объектни сақлаш ва унинг кўринишини, шунингдек интерернинг тарихий деталларини сақлаш бўйича мажбуриятлар);
- ✓ объектда ишларнинг барча турларини бажаришга, шу жумладан унинг ташқи кўринишини, интерери ва туташ ҳудудни ишчи орган билан ёзма келишувсиз ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги шартлар;

✓ ижарага олувчининг реставрация-тиклаш ишларини ва бошқа ишларни фақат ишчи орган билан келишилган лойиҳага мувофиқ бажариш тўғрисидаги мажбурияти;

✓ объектнинг шартнома тўхтатилгандан кейинги ҳолати ва уни қайтариш тартиби;

✓ туташ ҳудудни ободонлаштириш бўйича талаблар;

✓ ижарага олувчининг ташриф буюрувчилар ва туристлар учун қулайликлар (амалдаги санитария талаби, шаҳарсозлик нормаларига мувофиқ жиҳозланган ҳожатхоналар) яратиш бўйича мажбурияти;

✓ объектга киритишнинг иш кунлари ва соатлари кўрсатилган шартлари;

✓ объектдан фойдаланишнинг шартлари, тартиби ва аниқ муддатлари;

✓ объектга маблағларни инвестициялаш шартлари, тартиби, аниқ муддатлари ва миқдори;

✓ ижарага олувчи томонидан олинган мажбуриятлар ижросининг ҳолати тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

✓ ишчи орган, балансда сақловчи ва ижарага олувчининг шартнома шартлари бажарилишини назорат қилиш бўйича ваколатлари;

✓ шартномани тўхтатиш ва узайтириш шартлари;

✓ томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

✓ шартнома талаблари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

✓ қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шартлар.

Шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида объектнинг ижараси тўғрисидаги шартномада қуйидаги ҳолларда шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин:

ижарага олувчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

объектда реставрация-тиклаш ишлари ва бошқа ишлар ишчи орган билан келишилмаган лойиҳасиз ёки тасдиқланган лойиҳа бузилган ҳолда бажарилганда;

ижарага олувчининг хатти-ҳаракати объектнинг яроқсиз ҳолга ёки унинг бузилишига олиб келган ҳолатлар аниқланганда ижарага берувчининг талаби билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Объектнинг ижара шартномаси беш йил муддатга тузилади. Ижара шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш танлов комиссиясининг қарори асосида амалга оширилади.

Ҳудудида туризм инфратузилма объектлари, шу жумладан, жойлаштириш воситалари жойлашган ёки яратиладиган моддий яшаш ёки фаолият юритиш объектлари томонларнинг келишуви асосида ижарага берилади.

Ижарага бериладиган объектлар ҳисобини юритиш мақсадида ижарага берувчи ижара шартномаси тузилгандан кейин реестрга ёзувни киритади, ижара шартномаси асл нусхасининг ҳар бирига ҳисобга олиш ёзувининг санаси ва рақамини кўрсатган ҳолда ҳисобга олиш тўғрисида белги қўяди, уни муҳр билан тасдиқлайди. Тўрт нусхада расмийлаштирилган ижара шартномасининг асл нусхалари бир нусхадан ишчи органга, ижарага олувчига, балансда сақловчига берилади ва бир нусхаси ижарага берувчида қолади.

Объектнинг ижара шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

МАҲАЛЛАДА КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШ, ОҒИР АҲВОЛГА ТУШГАН ФУҚАРОЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ТОМОНИДАН ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Ф.ф.д., доц. Ф.Д.Музаффаров

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва **жиноятчиликка қарши курашиш**да қонунчиликни такомиллаштириш, ички ишлар органларининг маҳаллий давлат ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг амалий механизмини жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик профилактикасининг **асосий тушунчалари** қуйидагилар:

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш – ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Ғайриижтимоий хулқ-атвор – шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги.

Ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш.

Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи – жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилиши оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга

имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс – ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий хусусияти қуйидагилар:

- ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш;
- бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими:

- Ички ишлар органлари;
- Прокуратура органлари;
- Давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
- Адлия органлари;
- Давлат божхона хизмати органлари;
- Давлат солиқ хизмати органлари;
- Меҳнат органлари;

- Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:



Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутлақо янгича тизим йўлга қўйилди. **Профилактика инспекторлари**нинг моддий, ижтимоий муҳофазаси кучайтирилди. Ҳуқуқ-тартибот органлари энг замонавий техникалар билан таъминланди. Янги тузилма – **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси** ташкил этилди.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳар **100 минг аҳолига** Россия Федерациясида **1379 та**, Қозоғистонда **1315 та**, Украинада **1059 та**, Арманистонда **906 та**, Озарбайжонда **266 та**, Тожикистонда **244 та** жиноят тўғри келмоқда. Мамлакатимизда ушбу

кўрсаткич **177 та**ни ташкил этади. Бу МДҲга аъзо мамлакатлар орасида энг паст кўрсаткич ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 26-моддасига кўра ҳуқуқбузарликнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

1. Профилактик суҳбат – шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади.

2. Расмий огоҳлантириш–шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади.

3. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш– Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақлилиги.

4. Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш – ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари

қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан қўлланилади.

5. Профилактик ҳисобга олиш– айрим шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари мажмуидир.

6. Мажбурий даволанишга юбориш – сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахс томонидан жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган ёхуд у аҳолининг хавфсизлиги, соғлиғи ва жамиятнинг ахлоқига таҳдид солган тақдирда ички ишлар органлари «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонунчиликка мувофиқ уни мажбурий даволанишга юбориш бўйича чораларини кўради.

7. Маъмурий назорат – жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуидан иборат бўлади ва назорат остидагиларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чекловларни қўллашдан иборат бўлади.

“ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА МАҲАЛЛА ДАРАЖАСИДА АҲОЛИГА СИФАТЛИ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМЛАРНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

И.ф.д., доц., Т.А.Ҳасанов

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида **“ижтимоий давлат”** ғоясини илгари сурган ҳолда, ижтимоий давлатни барпо этишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Жумладан, бу борада алоҳида тўхталиб, “Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришни мақсад қиляпмиз. Буни Конституцияда мустаҳкамлашимиз керак”, дея таъкидлади.

“Ижтимоий давлат” тушунчаси **“Инсон қадри”** тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу ғоянинг туб негизида, аввало, **инсон қадрини улуғлаш, аҳолига хизмат қилиш**дек олижаноб мақсад мужассам. Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун **ижтимоий тенглик** ва **адолат** тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиб беради. У ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

Ижтимоий давлат – бу давлатнинг конституциявий ҳуқуқий мақоми бўйича сифат тавсифи бўлиб, унда инсон ва фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда давлатнинг тегишли мажбуриятлари конституциявий кафолатланганлигини тақозо этади.

Шунингдек, ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутади. Шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади.

Ижтимоий давлат моҳияти қандай? Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, “ижтимоий давлат” тушунчаси илк бор 1850 йилда Лоренс фон Штейн томонидан қўлланилган. У давлатнинг вазифаси ижтимоий тенглик ва шахсий эркинликни ўрнатиш, қуйи ва кам таъминланган табақаларни бойлар ва қудратлилар даражасига кўтаришдан иборат, деб ҳисоблаган.

Миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганганимизда ҳам “ижтимоий давлат” тушунчаси шунга ўхшаш номларда кўплаб учрашига гувоҳ бўламиз. Масалан, IX-X асрларда яшаб ижод қилган Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида фозил шаҳар ҳақида билдирилган фикрлар айнан “ижтимоий давлат” тамойилининг мазмун-моҳияти ҳисобланади. Шунга ўхшаш фикрларни Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш каби буюк аждодларимиз асарларида ҳам учратиш мумкин.

Президентимиз ушбу тушунчани изоҳлар экан, **“Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир”**, дея таъриф берган эди. Назаримизда, буюк боболаримиз орзу қилган ва ўз асарларида келтирган “фозил шаҳар” ҳам айнан шу “ижтимоий давлат”дир.

Ижтимоий давлатнинг ўзига хос функциялари мавжуд бўлиб, олимларнинг аксарияти уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш;
- коррупция, қашшоқлик ва ишсизликка қарши кураш;
- ёш тадбиркорларга ёрдам;
- аҳоли бандлиги ва даромадлари доимий ўсишини таъминлаш;
- жамиятнинг барча аъзоларини ижтимоий суғурта билан таъминлаш;
- таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий ривожланишнинг қулайлигини таъминлаш;
- эҳтиёжманд шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш;
- жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликни камайтириш, имтиёзларни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитларини яратиш;
- ижтимоий хизматлар кўрсатиш.

Умуман олганда, ижтимоий давлатда меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсоннинг бандлиги таъминланади. Унинг муносиб ҳаёт кечириши учун етарли миқдордаги иш ҳақи белгиланади, ишчи учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратилади, ишсизликдан ҳимояланиш, сифатли таълим, малакали тиббий хизмат олиш ҳуқуқлари реал амалга оширилади. Болалар, аёллар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг аксарияти ижтимоий соҳага йўналтирилганини кўришимиз мумкин. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларга давлат томонидан кафолатлар тизими орқали ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган.

Ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим бериш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни, мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида. Давлат бюджетининг асосий қисми айнан шу каби масалаларга йўналтирилаётгани ҳам фикримизнинг амалий тасдиғидир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, **ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалар, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш учун республика миқёсида жорий этилган "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "маҳаллабай" ишлаш тизими ҳам ижтимоий давлатнинг моҳиятини ва ҳаётий кўринишини** намоён этмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг ижобий натижалари ҳам диққатга сазовор. Чунончи, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси **27 фоиз**дан **70 фоиз**га ошиб, **2 миллионга яқин** боланинг боғча билан қамраб олингани халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Олий таълим муассасалари **2,5 баробар**га ошиши, яъни уларнинг сони **198 та**га етиши, ўз навбатида, олий таълимга қамров даражаси **9 фоиз**дан **38 фоиз**га ортишига замин яратди. Шу қаторда, **40дан зиёд**

олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилиши улардаги таълим шароити ва сифати сезиларли даражада юксалганига ҳисса қўшганини қайд этиб ўтиш ҳам адолатдан бўлади.

Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини уй-жой билан таъминлаш ижтимоий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Таъкидлаш ўринлики, сўнгги олти йилда мамлакатимизда **500 минг**га яқин янги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уй-жойга бўлган эҳтиёжни қондириш бўйича биринчи марта аёллар ва ёшларга, эҳтиёжманд оилаларга субсидиялар ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб - келинмоқда. Ёшлар бандлигини таъминлашда илғор замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда, йигит-қизлардан **5,2 минг**и “Future Skills Uzbekistan” ва “Бир миллион дастурчи” лойиҳалари доирасида IT касбларига, **6,4 минг**и “Ёшлар 1+1” ва “Тадбиркор аёл” лойиҳалари доирасида тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тиллар бўйича ўқитилди.

Ёшлар ва хотин-қизларда замонавий касб, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Ишга марҳамат”, банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Мономарказ”, туман ва шаҳар касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, маҳаллаларда касб-ҳунарга ўқитиш масканлари фаолият юритмоқда.

“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Мисол учун, унинг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” номли тўртинчи устувор йўналишида ижтимоий давлат негизини ташкил этувчи масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 43-мақсад бевосита ҳар бир инсон учун муносиб шароит яратиш ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга йўналтирилган.

Эътироф этиш керак, Тараққиёт стратегиясининг мақсадларига эришишда Президентимиз асосий эътиборни биринчи галда Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция ҳисобланган таълимни ривожлантиришга қаратиш кераклигини таъкидлади. Жумладан, жорий йилда **70 та** янги мактаб қурилиши, **460 та** мактаб кенгайтирилиши, хусусий инвестициялар иштирокида **100 та** мактаб қуриш лойиҳаси бошланиши, келгуси беш йилда уларнинг сонини мингтага етказиш белгилаб олингани ҳам бежиз эмас.

Эндиликда мамлакатимизда нафақат мактаб қурилиши ва сифатли таълимга, шу билан бирга, сифатли таълим негизини яратувчи “соғлом турмуш тарзи ҳамда соғлом ва сифатли овқат билан таъминлаш”га ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур тажриба 2022 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон ва Хоразмда йўлга қўйилиб, 285 минг бошланғич синф ўқувчиси учун бепул овқатланиш йўлга қўйилган эди.

Узлуксиз таълимнинг бир қисми бўлган олий таълим муассасаларида ўқиётган ёшларни қўллаб-қувватлаш юзасидан жорий йилда имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм, илм-фан ва инновацияларга эса 1,8 триллион сўм ажратилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини 2023 йилда амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасини таҳлил қиладиган бўлсак, 309 бандни ўзида бирлаштирган дастур етти йўналишдан иборат ва у қуйидагича тақсимланган:

Йўналиш	**Мақсади**	**Банд**
1-йўналиш	Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш	22-банд
2-йўналиш	Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш	18-банд
3-йўналиш	Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш	113-банд
4-йўналиш	Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш	82-банд
5-йўналиш	Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш	21-банд
6-йўналиш	Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш	30-банд
7-йўналиш	Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш	23-банд

Умуман олганда, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар **“Инсон қадри учун” тамойили** асосида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шарт-шароит ҳамда қулайликларни яратишга қаратилган. Бу йилги давлат дастурида назарда тутилган ҳар бир банд ва уни мақсадли амалга ошириш механизмлари ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Бу хайрли ишлар **“Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат”**, деган эзгу ғояни рўёбга чиқариш, халқимизни рози қилиш, эркин ва фаровон жамият барпо этишда муҳим омил бўлади.

МАҲАЛЛАЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ОИЛАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА МАНЗИЛЛИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Г.С.Нарзуллаева.

Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш – ҳукумат олиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг устувор масалаларидан бирига айланган. Хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий хужжатларнинг қабул қилинганлиги мазкур масала давлатнинг устувор вазифалардан бири эканлигидан далолат беради.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятида хотин-қизлар муаммолари ва турмуш тарзи, ўқув жараёни ҳамда маънавий-маърифий фаолиятларини синергетик ёндашув асосида ташкил қилишга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг **“Маҳаллаларда хотин-қизлар фаоли ишини самарали ташкил этиш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш бўйича намунавий тизим яратиш тўғрисида”** 8-сон баёни ижрога қаратилди.

Унга кўра, хотин-қизлар билан ишлаш тизими намунавий тартибда йўлга қўйилди, бу тизим барча маҳаллаларда жорий қилинди. Маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг тўғридан тўғри ҳамда **“маҳалла еттилиги”** билан ҳамкорликдаги вазифалари, кунлик ва ҳафталик иш режалари, шунингдек, хотин-қизлар фаолининг иш самарадорлигини ошириш, фаолиятини босқичма-босқич намунали ташкил этиш схемаси ишлаб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2024 ЙИЛ 7 МАРТДАГИ ТОПШИРИҒИГА АСОСАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА БУХОРО ВИЛОЯТИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

01 Аҳоли сони
2 050 471 нафар

02 Оила сони
543 990 нафар

03 Хотин-қизлар сони
102 2348 нафар

04 Ишсиз хотин-қизлар
38 883 нафар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 7-мартдаги 122-сонли қарори асосан

Ишсиз ва қўшимча даромад топиш истагида бўлган хотин-қизлар

54 731 нафар

- Бўш захираланган иш ўринлари орқали — 11 299 нафар
- Узоқ муддатга ер ажратиш орқали — 23 468 нафар
- Ҳунармандчилик йўналишига — 107 нафар
- Бандликни рағбатлантириш учун ажратилган субсидиялар — 753 нафар
- Касб-ҳунарга ўқитилганлар — 4 345 нафар
- Тадбиркорликка ўқитилганлар — 1 256 нафар

Пиллачилик йўналишида бандлиги таъминланган хотин-қизлар ва оила аъзолари

1. Тарқатилган ипак қурти қуттиси — 48 877 нафар
2. Бандлиги таъминланган ва қўшимча даромад оладиган оила аъзолари — 113 000 нафар
3. Ягона миллий меҳнат тизими — 97 754 нафар
4. Тарқатилган аванс пул маблағлари — 131 млрд

Тижорат банклар томонидан ажратилган кредитлар

ТАЪЛИМ КРЕДИТИ

Хотин қизларга ажратилган таълим кредити бир йил давомида
10 816 нафар
138 млрд.сўм

2020 йил	15 250 нафар	299 млрд. сўм
2021 йил	17 804 нафар	305 млрд. сўм
2022 йил	20 075 нафар	413 млрд. сўм
2023 йил	21 300 нафар	456 млрд. сўм
2024 йил (3 ой мобайнида)	6 669 нафар	146,6 млрд. сўм

МИКРОЛОЙИҲАЛАР

Тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган
250 та

Микролойиҳалар
544 та
Маҳаллага манзилли етказилди.

Эришилган натижалар

Миграциядан қайтганлар		Оилалардаги ажрим		Хотин-қизлар жиноятчилик	
2023 йил	754 нафар	2023 йил	851 та	2023 йил	851 та
2024 йил	2080 нафар	2024 йил	797 та	2024 йил	797 та

Хотин-қизлар фаолининг асосий 7 та вазифаси аниқлаштирилди.

1. Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, таълим олиш ва ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларни ташкил қилиш:

Мақсадлар	Вазифалар
1. Тадбирнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш	
Аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш	Аёллар дуч келадиган долзарб ҳуқуқий муаммолар рўйхатини тузиш;
	Ёритилиши керак бўлган асосий қонунчилик ва қоидаларни аниқлаш.
Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш	Аёлларни жамоат ташкилотлари ва сиёсий жараёнларга жалб этиш бўйича дастур ва ташаббусларни ишлаб чиқиш
	Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокининг муваффақиятли мисолларини аниқлаш
Ахборот ва ресурслардан фойдаланишни таъминлаш	Аёлларни қўллаб-қувватловчи ташкилотларнинг фойдали ҳаволалари, ҳужжатлари ва алоқаларини ўз ичига олган ахборот базасини яратиш
	Ахборот ва ресурсларнинг мунтазам янгиланишини ташкил қилиш
Аёлларнинг ўз-ўзини ривожлантириш ва мартаба ўсишига кўмаклашиш	Аёлларнинг касбий ўсишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш
	Мансаб ўсиши учун таълим дастурлари ва тренингларни ишлаб чиқиш
2. Аудитория тадқиқоти ва таҳлили	
Мақсадли аудиторияни аниқлаш	Томошабинларни ёш гуруҳлари, ижтимоий мавқеи, касбий мансублиги ва таълим даражаси бўйича ажратиш
	Ҳар бир гуруҳнинг асосий хусусиятларини аниқлаш
Мақсадли аудиториянинг эҳтиёжлари ва манфаатларини ўрганиш	Эҳтиёжларни аниқлаш учун сўровлар ва фокус-гуруҳларни ўтказиш
	Фаолиятнинг асосий йўналишларини аниқлаш учун сўров натижаларини таҳлил қилиш
Сўровлар ва суҳбатлар ўтказиш	Сўровлар ва суҳбатлар учун саволларни ишлаб чиқиш
	Вакиллик маълумотларини олиш учун сўровларни онлайн ва офлайн режимда ўтказиш
3. Тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш	
Ҳуқуқий саводхонлик бўйича семинарлар ва маърузалар ўқиш	Маърузалар учун малакали ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқ фаолларини таклиф қилиш
	Ўқув материаллари ва тақдимотларини ишлаб чиқиш
Етакчилик ва шахсий ривожланиш бўйича семинарлар ва тренинглар	Тажрибали етакчилик ва шахсий ривожланиш бўйича мураббийларни таклиф қилиш
	Амалий топшириқлар билан интерфаол семинарлар ишлаб чиқиш
Муваффақиятли аёллар билан панел муҳокамалари	Турли соҳаларда муваффақиятга эришган аёллар билан учрашувлар ташкил этиш
	Мунозара саволлари ва модерацияни ишлаб чиқиш
Адвокатлар ва ҳуқуқ ҳимоячилари билан	Хотин-қизлар учун ҳуқуқий масалалар бўйича мунтазам маслаҳатлар ташкил этиш

маслаҳатлашувлар	Маслаҳатларнинг махфийлигини ва фойдаланиш имкониятини таъминлаш
Вақтни бошқариш, стресс ва молиявий саводхонлик бўйича маҳорат дарслари	Вақтни бошқариш, стрессни бошқариш ва молиявий саводхонлик бўйича мутахассисларни таклиф қилиш
	Махсус кўрсатмалар ва воситалар билан амалий машғулотларни ишлаб чиқиш
4. Мутахассисларни танлаш ва тайёрлаш	
Мутахассисларни таклиф қилиш	Турли соҳалардаги мутахассислар рўйхатини тузиш (адвокатлар, психологлар, етакчи мураббийлар ва бошқалар)
	Таклиф этилган мутахассислар билан шартномалар тузиш
Мутахассислар учун тренинглар ташкил этиш	Мақсадли аудитория билан ишлайдиган мутахассислар учун кириш тренингларини ўтказиш
	Тажриба алмашиш ва янги техникаларни ўқитиш
Мутахассисларни услубий материаллар ва ресурслар билан таъминлаш	Ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва мутахассислар ўртасида тарқатиш
	Энг сўнгги манбалар ва адабиётлардан фойдаланишни таъминлаш
5. Логистика ва ташкилий масалалар	
Тадбир жойларини аниқлаш	Тадбирларни ўтказиш учун мос жойларни танлаш (синф хоналари, конференция заллари, онлайн платформалар)
	Биноларни ва зарур жиҳозларни ижарага олиш
Тадбирларни режалаштириш ва режалаштириш	Барча тадбирларнинг батафсил жадвалини тузиш
	Тадбирнинг вақти ва санасини таклиф қилинган мутахассислар билан мувофиқлаштириш
Ахборот материалларини тайёрлаш ва тарқатиш	Воқеалар ҳақидаги маълумотларга эга буклетлар, варақалар ва онлайн контентни ишлаб чиқиш
	Ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари ва ҳамкор ташкилотлар орқали ахборот материалларини тарқатишни ташкил этиш
6. Иштирокчиларни жалб қилиш	
Реклама кампаниясини ўтказиш	Иштирокчиларни жалб қилиш учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш
	Ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар ва бошқа алоқа каналларидан фойдаланиш
Жамоалар ва ташкилотлар билан ишлаш	Иштирокчиларни жалб қилиш учун ННТ, жамоат ташкилотлари ва давлат идоралари билан ҳамкорлик қилиш
	Потенциал ҳамкорлар ва иштирокчилар учун учрашувлар ва тақдимотлар ташкил қилиш
Иштирокчиларни рўйхатга олиш	Иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш учун онлайн платформа яратиш
	Телефон ва электрон почта орқали рўйхатдан ўтиш
7. Воқеалар	
Тадбирлар дастурини амалга ошириш	Барча режалаштирилган тадбирларни ташкил қилиш
	Жадвалга риоя қилишни ва сифат назоратини таъминлаш
Техник ёрдам кўрсатиш	Керакли ускуналар (проектор, компютерлар, интернет) мавжудлигини таъминлаш
	Иштирокчилар ва мутахассислар учун техник ёрдамни ташкил этиш
Ҳисобот ва мониторинг	Иштирокчиларнинг давомати ва фаоллиги тўғрисида маълумот тўплаш
	Фаолиятнинг боришини мунтазам равишда кузатиб бориш

2. Хотин-қизлар ўртасида репродуктив саломатлик қоидаларини, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва спортни оммалаштириш;

3. Хотин-қизларни касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, оилавий ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш ҳамда ҳунармандлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;

1. Таълим ва ўқув дастурлари.

2. Менторлик ва мураббийлик.

3. Молиявий ёрдам ва ресурслардан фойдаланиш.

4. Тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш.

5. Тармоқ ва ҳамкорлик.

6. Давлат ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Бу қадамлар хотин-қизлар ва қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, бандлигини таъминлаш ва муваффақиятли тадбиркорлигини таъминлашга хизмат қилади.

4. Миллий ва анъанавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, ундаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, низоли ва зўравонликка мойил, зиддиятли оилалар билан ишлаш, мутасадди ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизларнинг радикал оқимлар таъсирида қолишининг олдини олиш;

5. Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг шароитларини яхшилашга кўмаклашиш;

6. Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, жабрланганларни реабилитатsiя қилишни ташкил қилиш, профилактика ҳисобидаги хотин-қизлар билан ишлаш, чет давлатдаги аёлларни оиласига қайтариш, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш;

7. Хотин-қизлар масалалалари бўйича маҳалладаги "еттилик" билан иш олиб бориш, мутасадди ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг оила ва хотин-қизларни қўллаб қувватлаш борасида амалга ошириши лозим бўлган вазифалари тўғрисида

Хотин-қизлар фаолининг асосий вазифалари

- Хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб қуватлаш
- Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш
- Хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш
- Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш
- Оғир турмуш шароитидаги, ичтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни камбағалликдан чиқариш
- Тазийқ ва зўравонликни олидини олиш

Хотин-қизлар фаолининг ҳамкорлиги

- Барча ташкилот ва идоралар ҳамда маҳалла тизимидаги еттилик ҳамкорлигида ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш
- Маҳалла раиси, инспектор ва ёшлар етакчиси ҳамкорлигида оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш
- Жиноятчиликни олдини олишда профилактика инспектори, хотин-қизлар бўйича катта инспекторлар, маҳал раиси ҳамкорлигида ишлар олиб бориш
- Ҳоким ёрдамчиси, солиқ инспектори, тад-биркорлик марказлари, ҳунарманд уюшма-си ҳамкорлигида бандликни таъминлаш; Хотин-қизларни турмуш тарзини яхшилаш ва камбағалликдан чиқариш; Субсидия, кредит;
- Ижтимоий ходим, профилактика инспектори ҳамкорлигида, зўравонликдан жабр кўрган, низоли ҳолатда аёллар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш; ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон, оиласида ногирони бор, боқувчисини йўқотган хотин-қизлар ва оилалар билан якка тартибда ишлаш;

Хулоса қилиб айтганда, маънавият ва маърифат тушунчалари кенг қамровли бўлиб, кишининг ақлу заковати руҳий дунёсини, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқа қарашларини, тасаввурларини, бир-бирларига, оилага бўлган муносабатларини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан синергетик ёндашув асосида маҳаллаларда хотин-қизлар маънавий-маърифий фаоллигини ривожлантириш инсонпарварлик, ҳалоллик; ташаббускорлик; ватанпарварлик; ижодкорлик; сахийлик; поклик каби фазилатларини тарбиялаш, уларнинг ақлий меҳнати натижаларини ва ўзликни англашлариги хизмат қилади. Ақлу заковат, ҳис-туйғу, руҳий салоҳият уйғунлиги ахлоқий тарбиянинг мазмунини ташкил этади. Маънавиятнинг бунёдкорлик, ўзгартирувчилик, бошқарувчилик, ихтирочилик, йўналтирувчилик каби хусусиятлари хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, интеллектуал ривожланишининг муҳим кафолатидир дейиш мумкин.

МАҲАЛЛАДА ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ ҲАМДА “ҚИЗИЛ” ТОИФАДАГИ ЁШЛАР БИЛАН МАҚСАДЛИ ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

PhD, доц., Ш.А.Холбаев.

Бугунги кунда маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 декабрда «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-209-сонли фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида **маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат <u>«маҳалла еттилиги»</u>** ташкил қилинди.

Маҳаллада, аввало, қадриятларга асосланган бошқарув усул ва воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, маҳаллада азал азалдан эзгуликка, меҳр оқибатга, бир-бирига кўмак беришга

йўналтирилган қадриятлар мавжуд ва мазкур қадриятларнинг сақланиб қолиши мақсадга мувофиқдир.

Бу жараёнларга Сирдарё вилояти “Сардоба” ва пандемия давридаги ижтимоий воқеаликларда барчамиз гувоҳи бўлдик. Шунингдек, маҳаллада еттилик аъзоларини самарали бошқармасдан туриб уларни фаолиятига мақсадли йўналтириб бўлмайди.

Маҳалла раислари томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакилларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва йўналтириш компетенциялари ўзлаштирилиши ҳам давлат, ҳам жамият бошқарувининг замонавий бошқарув кўникмаларини эгаллаган бўлиши, шунингдек замонавий ёндашувларни жорий эта олиш долзарб масала бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни кафолатлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга доир ижтимоий сиёсатга кенг эътибор берилмоқда. Бу йўналишда ёшлар жамият ва давлат эътиборида турган асосий ижтимоий қатламлардан биридир.

Шу маънода, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муносиб баркамол ёш авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз олдида турган вазифалардан бири бўлиб, бу давлат ва жамият тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бу борада шундай таъкидлаган эди: «Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз».

Ёшларни ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида **“Ёшлар дафтари”** тизими жорий этилди. Шунингдек, **“маҳаллабай”** ўрганишлар асосида ёшлар дуч келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида барча туман (шаҳар)ларда **“Ёшлар дастури”** ишлаб чиқиш ва амалга ошириш амалиёти йўлга қўйилди.

Ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ПҚ-92-сонли қарори қабул қилинди ва унга кўра Ёшлар етакчисининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- «Ёшлар баланси»ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш;
- маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш;
- ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш;
- ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш.

Шу билан бирга, Ёшлар етакчилари маҳаллаларда яна бир қатор вазифаларни бажариб келмоқдалар.



Мазкур қарорнинг 1-иловаси билан маҳалладаги ёшлар етакчилари тавсияси асосида ёшларга бериладиган ёрдам турларининг рўйхати тасдиқланган. Мазкур ёрдам турларининг жорий этилишидан кўзланган асосий мақсад маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган.

Маҳалладаги ёшлар етакчилари тавсияси асосида ёшларга бериладиган ёрдам турларининг

РЎЙХАТИ

Т/р	Ёрдам тури	Тавсия мазмуни	Хулоса кимга тақдим этилиши
1.	Моддий аҳволи қийин ёшларни қўллаб-қувватлаш учун — **базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача** миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш.	Моддий ёрдам бериш ёки рад этиш бўйича тавсия	«Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши)
2.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга 12 ойгача турар жой ижараси компенсациясини қоплаш учун — ҳар ойда **базавий ҳисоблаш миқдорининг**	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига

	3 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш.		
3.	Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
4.	Мамлакатдаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача қисмини қоплаш учун — **базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача** миқдорда субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
5.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини тўлиқ миқдорда қоплаш учун субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
6.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун — **базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача** миқдорда субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
7.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож янги турмуш қураётган ёш оилаларга ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриши учун тижорат банклари томонидан **33 миллион сўмгача** гаровсиз кредит ажратишга кафиллик бериш.	Кафиллик бериш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига
8.	Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия тўлашда алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар тоифасига мансублиги бўйича тавсия бериш.	Алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар тоифасига мансублиги бўйича тавсия	Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимига
9.	Спорт тўгаракларини ташкил этиш учун маҳаллада бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда, ушбу объектга нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови **ставкасининг 50 фоизи миқдорида ижарага бериш**.	Ижарага бериш юзасидан тавсия	Ёшлар ишлари агентлигига
10.	Аҳволи оғир бўлган 30 ёшдан ошмаган бемор фуқароларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Васийлик кенгашига

	базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш.		
11.	Ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг **50 фоизи**, бироқ **базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваригача** бўлган қисми ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаб бериш.	Харажатларни қоплаш ёки рад этиш бўйича тавсия	Ёшлар ишлари агентлигига
12.	**Ногиронлиги бўлган ёшларга** нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ўргатиш, уларда касбий кўникмаларни шакллантириш, ахборот технологиялари, компьютерда дастурлаш амалиёти, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш, шунингдек, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 баравари**гача бўлган миқдорда субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Ёшлар ишлари агентлигига
13.	**Ногиронлиги бўлган ёшларга** касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўргатиш курсларини муваффақиятли тугатган ҳамда махсус сертификатни олган, шунингдек, тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганларга асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 баравари**гача бўлган миқдорда субсидия ажратиш.	Субсидия ажратиш ёки рад этиш бўйича тавсия	Ёшлар ишлари агентлигига

Ёшларда дахлдорлик туйғусини шакллантириш.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ёзилишича (Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006 йил, 577-бет), “дахлдор” арабча “дахл” – кирим, алоқа, муносабат, шубҳа деган маъноларни билдиради. “Дахлдор” сўзи арабча “дахл”, форсча “дор”, яъни фойдали, алоқаси бор, шерик деган маъноларни англатади. “Дахлдорлик” эса бирор иш-ҳаракатга, жараёнга алоқадорлик, шериклик деган маъноларни билдиради.

“Дахлдорлик” деган сўзни, масалан, “саводхонлик” деган ибора билан қиёслаб кўрайлик. Илгари саводхонлик деганда фақат ўқиш ва ёзишни билиш

тушунилар эди. Ҳозир саводхонлик деганда ўқиш-ёзишни билишгина эмас, балки дунёвий билимларга эга бўлиш, ахборотга бойлик, информацион ва коммуникацион технологиялардан хабардорлик, чет тилларни билиш каби кўплаб талаблар назарда тутилади. Худди шу сингари дахлдорлик деган тушунча ҳам ҳам бирор нарса-ҳодисага оддийгина алоқадорлик эмас, балки жамиятда, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг оддий кузатувчиси бўлиб қолмай, ижтимоий жараёнларга “шўнғиб кетиш”, уларнинг фаол иштирокчиси бўлиш деган маънони билдиради.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, “дахлдорлик” деган тушунча “бефарқлик”, “лоқайдлик”, “бепарволик” деган тушунчаларга тамоман тескаридир. Халқимизда лоқайд, бефарқ ва бепарво кимсалар доимо қоралаб келинган. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўзининг “Тузуклар”ида “Тажрибамда кўрилганким, азми қатьий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”, деб таъкилаган. Файласуфлардан бири: “Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”-дея таъкидлаганлар. Шу нуқтаи назардан, маҳаллаларда маънавий тарғибот ишлари билан бевосита шуғулланадиган зиёлилар, педагог-мураббийлар, шунингдек, ота-оналар – барчамиз юртдошларимизда, айниқса ўсиб, униб келаётган ёш авлод онгида дахлдорлик туйғуларини тарбиялашга масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.

ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ

PhD, доц., Ҳ.Р.Туробова

Хотин-қизлар ва ёшларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш *(касб-ҳунарга ўқитиш)* **қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:**

касби (мутахассислиги) мавжуд бўлмаганда;
мавжуд касбий кўникмаларига мақбул иш йўқлиги сабабли касбни (мутахассисликни) ўзгартириш зарур бўлганда;
касбий кўникмалари мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги, касбига (мутахассислигига) доир талаблар ўзгартирилганлиги боис малака ошириши зарур бўлганда;
аввалги касби (мутахассислиги) бўйича иш бажариш қобилияти йўқотилганда.

Касб-ҳунарга ўқитишга юбориш **туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари** томонидан йўлланма асосида амалга оширилади. Мазкур бўлим йўлланмаси билан, ишсиз шахснинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда у қуйидаги ўқув муассасаларида касб-ҳунарга ўқитилади:

- «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказлари;
- профессионал таълим ташкилотлари;
- ўқув марказлари ва бўлинмалари;
- давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмаларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳузуридаги ўқув марказлари;
- таълим фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли тартибда рухсатномага (лицензияга) эга бўлган ташкилотлар;
- шогирдларга касб ўргатиш имкониятларига эга бўлган

Касб-ҳунарга ўқитиш туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари йўлланмаси асосида **«Ишга марҳамат» мономарказлари**да қуйидаги турлар бўйича амалга оширилади:

узоқ муддатли ўқитиш	ўқув жараёни 30 ҳафтадан 40 ҳафтагача давом этади;
ўрта муддатли ўқитиш	ўқув жараёни 5 ҳафтадан 25 ҳафтагача давом этади;
қисқа муддатли ўқитиш	ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади;
ишлаб чиқаришда касб-ҳунарга ўқитиш	25 ҳафтагача давом этади;
мақсадли ўқитиш	ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади.

Узоқ муддатли ва ўрта муддатли касб-ҳунарга ўқитиш мономарказ, иш берувчи, маҳаллий меҳнат органи ва ишсиз шахс ўртасида тузиладиган **тўрт томонлама шартнома асосида амалга оширилади.**

Ишсиз шахс ўқиш тугагач, мустақил равишда хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш фаолиятини йўлга қўйиш мажбуриятини ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишни ўз зиммасига оладиган бўлса, ўрта муддатли ўқитишга доир шартнома тузилаётганда иш берувчининг иштирок этиши талаб қилинмайди.

Ўқитиш жараёнида ўқувчилар ўқиш курслари бўйича гуруҳларга, ўқитиш йўналишлари бўйича бўлинмаларга бирлаштирилади.

Мономарказларнинг ўқув дастурлари касбий фаолият (касблар, мутахассисликлар) йўналишлари бўйича зарур мавзуларни ўз ичига олади.

Мономарказлар томонидан битирувчиларга белгиланган шакл ва талабларга мувофиқ бўлган:

- ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат;
- касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолашдан

муваффақиятли ўтган битирувчиларга Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилади.

Мономарказда хорижда ишламоқчи бўлганлар учун қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- касб-ҳунарга ўқитиш;
- хорижий тилларга ўқитиш
- хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва меҳнат қилиш шароитларини ўргатиш ва бошқа керакли маълумотлар бериш бўйича мослаштириш тадбирларини амалга ошириш;
- хорижда ишлаш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш, кредит олиш, суғурта полисини ва бошқа зарур ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш;
- халқаро стандартлар бўйича касбий малакани баҳолаш.

Касб-ҳунарга ўқитиш туман (шаҳар) камбағалликни қис- қартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари йўлланмаси асосида қуйидаги турлар бўйича амалга оширилади:

Босқич	Давомийлиги
узоқ муддатли ўқитиш	ўқув жараёни 30 ҳафтадан 40 ҳафтагача давом этади;
ўрта муддатли ўқитиш	ўқув жараёни 5 ҳафтадан 25 ҳафтагача давом этади;
қисқа муддатли ўқитиш	ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади;
ишлаб чиқаришда касб-ҳунарга ўқитиш	25 ҳафтагача давом этади;
мақсадли ўқитиш	ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади.

Касб-ҳунарга ўқитиш маркази ўқувчилари ўқув марказининг ички тартиб-қоидаларига риоя қилишлари шарт.

Касб-ҳунарга ўқитиш марказига қабул қилинган ўқувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

• касб-ҳунар, хорижий тиллар ва тадбиркорликка ўқиш;

• ташкилотларда эгаллаётган касбий кўникмаларига мос бўлган

йўналишлар бўйича амалиёт ўташ;

• касб-ҳунарга ўқитиш марказининг моддий-техник базаси ва мол-мулкидан фойдаланиш;

• ўқувчилар турар жойида яшаш;

• белгиланган тартибда ўқишни бошқа ўқув марказига кўчиришга.

Битирувчиларга касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг ўқишни тамомлаганлигини **тасдиқловчи ҳужжат (сертификат) берилади.**

Марказларга хотин-қизлар ва ёшлар ўзлари мустақил мурожаат қилиб шартнома асосида ҳам ўқишлари мумкин.

Касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ишсиз ва банд бўлмаган хотин-қизлар ва ёшлар қуйидаги ҳолларда касбга ўқитилади:

- касби мавжуд бўлмаганда;

- мавжуд касбий кўникмаларига мақбул иш йўқлиги сабабли касбни ўзгартириш зарурати бўлганда.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари билан биргаликда касаначиликка бўлган талабни ўрганиб белгиланган тартибда тасдиқлайди.

Касаначилар қуйидаги жойларда ўқитилади:

«Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган касбга ўқитиш масканларида;

вазирлик ва идоралар тизимидаги профессионал таълим ташкилотларида ташкил этилган қисқа касб-ҳунарга ўқитиш курсларида;

нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш ташкилотларида.

Республикамизда бугунги кунда 4 та касб-ҳунарга ўқитиш минтақавий марказлари мавжуд:

• Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар Ишсизларни касб- хунарга ўқитиш маркази;

• Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар Ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази;

• Фарғона вилояти Ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази;

• Тошкент шаҳридаги Ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази.

Мазкур ўқув марказига ишга жойлаштириш бўйича иш берувчи, туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари ва ишга жойлашиш истагини билдирган шахс ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома ҳамда бандлик бўлими йўлланмаси бўлганлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилишга оид маълумотлар 60 кун олдин Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги сайтида эълон қилинади.

Мазкур эълон Ўқув маркази томонидан фуқаролар танишиши учун қулай бўлган жойга осиб қўйилади.

Номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ўқиш бошлани- шидан олтмиш кун олдин бошланади ва ўттиз кун давом этади.

Қуйидаги ҳолатларда хотин- қизлар касб-ҳунарга ўқитилади:

- касби (мутахассислиги) мавжуд бўлмаганда;

- мавжуд касбий кўникмаларига мақбул иш йўқлиги сабабли касбни (мутахассисликни) ўзгартириш зарурати бўлганда;

- касбий кўникмалари мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги, касбига доир талаблар ўзгартирилганлиги боис малака ошириши зарур бўлганда;

- аввалги касби бўйича иш бажариш қобилияти йўқотилганда.

Хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

• Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимидаги «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган касбга ўқитиш масканларида;

• вазирлик ва идоралар тизимидаги профессионал таълим муассасаларида ташкил этилган қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиш курсларида;

• нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш ташкилотларида амалга оширилади.

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ, ЯНГИ ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН “МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ”НИ ШАКЛЛАНТИРИШ

М.А.Бакаева.

«Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида 2024 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда **«Маҳалла бюджети»** тизими жорий этилиб, бунда **14 та** туманда ҳуқуқий тажриба тариқасида “Маҳалла бюджети” тизими амалда жорий этилмокда. 26 декабрь куни “Маҳалла бюджети” тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинган эди.

Бунда туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган солиқ тушумларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилиши белгиланди.

Ташаббусли бюджет амалиётини ва маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини янада кенгайтириш мақсадида 2024 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **10 триллион сўм,** шундан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари учун камида **4 триллион сўм** йўналтирилади.

“Маҳалла бюджети” тизимини амалиётга жорий этишда ҳар бир маҳалладаги «Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси»га қуйидаги маблағлар йўналтирилади:

- Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг (нотурар жойлар бўйича ундириладиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бундан мустасно) – **10 фоизи**;
- Маҳалланинг мол-мулкини белгиланган тартибда ижарага беришдан олинадиган маблағлар***;***
- Маҳалла идоралари орқали кўрсатилган давлат хизматлари учун ундирилган йиғимнинг – **10 фоизи**;

- Маҳалладаги ҳудуди **2000 квадрат метр**гача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини ҳокими ёрдамчиси онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда;
- Маҳалла бюджетини шакллантириш ва ишлатишда амалдаги тизимда моддий ёрдам тайинлаш **5 босқичли** тартибда амалга оширилган бўлса, таклиф этилаётган тизимда эса **3-босқич**да туширилади ва Маҳаллалар кесимида тақсимот қилинади ва ҳисоби юритилади;
- Жамғармалардан субсидиялар ажратиш ажратиш Бандликка кўмаклашиш, аҳолини тадбиркорликга жалб қилиш, Касаначилик жамғармаларидан 5 босқичли субсидиялар бериш тартибидан тўғридан-тўғри Маҳалла бюджетидан 3-босқичли тартибда амалга оширилади.

Маҳалла бюджети маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун ҳар бир Маҳалла ўз жамғармасини қуйидаги манбалар орқали шакллантиради:

- Уюшма туман бўлинмаси ҳар бир маҳалла учун **алоҳида бюджетдан ташқари жамғарма** кўринишида ҳисобрақамлар очади;

- Фуқаролар мол-мулк ва ер солиқларини ўз вақтида тўлайдилар;

- Маҳаллага бириктирилган солиқ инспектори ундирилган солиқларни **маҳалла кесимида рўйхатини** Ғазначилик бўлинмасига тақдим этади;

- Ғазначилик бўлинмаси **рўйхат асосида** ундирилган солиқларнинг **10 фоизини** ҳар бир маҳаллага очилган **ҳисобрақамига йўналтиради.**

Шаклланган Маҳалла жамғармасидан маҳалла фуқаролари қуйидаги тартибда фойдаланади:

- Маҳалла фаоллари маҳалла эҳтиёжидан келиб чиқиб Жамғармадан фойдаланиш бўйича **таклиф беради;**

- **“Маҳалла еттилиги” таъмирланадиган объект** ёки **харид қилинадиган товарлар** рўйхатини тасдиқлаш бўйича **қарор** қабул қилади ва уюшмага тақдим этади.

Республикада илк бор умумий ишсизлар, кам таъминланган оилалар, хорижга ишлаш учун кетган фуқаролар, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган оилалар, “ижтимоий дафтарлар”да турувчи оилалар, пробация ва профилактик ҳисобда турувчилар, ажрим ёқасидаги оилаларнинг ягона комплекс “маҳалла баланси” шакллантирилди. Бугунги кунда барча маҳаллалар **25 та йўналиш**, **401 та кўрсаткич**дан иборат “маҳалла баланси”га эга.

Айни пайтда ҳудудларда **1,007 млн. нафар ишсиз, 1,7 млн. нафар кам таъминланган оила** мавжуд. Ногиронлиги бор шахслар **815 минг нафар**ни, боқувчисини йўқотган оилалар **199 минг**тани, “Темир дафтар”даги оила **56 минг**тани, “Аёллар дафтари”дагилар **1 млн. 36 минг нафар**ни, “Ёшлар дафтари”дагилар **110 минг нафар**ни, пробация ҳисобида турувчилар **77 минг нафар**ни, профилактик ҳисобда турганлар **240 минг нафар**ни ташкил қилади. **40 мингта оила** эса ажрим ёқасида.

Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этиш мақсадида маҳалла, сектор, туман ва вилоят “Йўл харита”лари тасдиқланди.

Айни пайтда “Маҳалла баланси” ягона электрон платформаси ишлаб чиқилмоқда.

Қуйидаги имкониятларга эга “Маҳалла баланси” ягона электрон платформасини ишга тушириш:

1) уйма-уй юриш орқали аҳолининг муаммоларини ўрганаётган хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, ҳоким ёрдамчилари томонидан йиғилган маҳалла аҳолиси балансини шакллантириш;

2) маҳалла аҳолисига кўрсатилиши мумкин бўлган ижтимоий ёрдамлар ва ушбу ёрдамлардан фойдаланган шахслар, ёрдам турлари кесимида маълумотлар билан танишиш;

3) маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори фаолиятини асосий самарадорлик кўрсаткичлари ягона баҳолаш;

4) касбга ўқитилган ҳамда тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида субсидия, грант ва кредит маблағлари олган шахслар ҳамда уларнинг кейинги фаолиятининг мониторинги натижалари кузатиш;

5) Ягона миллий меҳнат тизими электрон базаси асосида иш берувчи ва иш изловчиларни бир-бири билан боғлаш;

6) маҳаллада яшовчилар ўртасида никоҳ тузиш бўйича ариза берганлиги, тузилганлиги ва бекор қилинганлиги тўғрисида ФҲДЁ органлари томонидан маълумотларни киритиш;

7) “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” платформаларини ўзаро интеграция қилиш;

8) “Хориждаги ёшлар баланси”ни шакллантириш ва хорижий давлатларда таҳсил олаётган фуқароларини “Ёшлар дафтари”га киритиш имконини яратиш;

9) уйма-уй юриб йиғилган иш изловчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар хусусий бандлик агентликларига мунтазам ва бепул тақдим этиб бориш амалиётини жорий этиш имконини беради.

МАҲАЛЛА АҲОЛИСИ ҚАЛБИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИНИ КУЧАЙТИРИШ, “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ” ҒОЯСИ АСОСИДА МАҲАЛЛАДАГИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ

Соц.ф.д., проф., Б.Ш.Каримов.

Аҳоли қалби ва онгида мамлакатимизда кейинги пайтларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси** асосида маҳалладаги маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, юртимиз тараққиётининг гарови бўлган тинчлик ва барқарорликни асраб авайлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада маҳаллаларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қуйидаги уч йўналишда намоён бўлади:

- аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларни билиши ҳамда қонун ижросини сўзсиз таъминлаш кўникмаларини шаклланиши;

- миллий урф-одатлар, анъаналарга содиқ бўлиши, уларга англанган ҳодиса сифатида қарай олиши, миллий ғурур омиллари сифатида уларни асраб-авайлаши;

- диний қадриятларни тўғри англаши, уларни турмуш тарзининг ажралмас маънавий қисми сифатида қараши, бу борадаги билимларни расмий тузилмалардан олиш компетенциясини шакллантириш лозим бўлади.

Мустақиллик йилларида миллий истиқлол ғояси халқимизнинг миллий тикланишига хизмат қилиб келмоқда. Халқимизни бирлаштириш, бузғунчи ғоялар моҳиятини тушунтиришда муҳим омил бўлиб келмоқда. 2017 йилдан Янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги – Миллий юксалиш босқичига кирди. Янги таҳрирдаги Конституциямизга асосланган, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** амалда. Кейинги йилларда эришилган юксак марралар халқимизни бахтли қилишга қаратилган ислоҳотлар самараларини яққол кўрсатмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатнома-ларида олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарурлиги алоҳида таъкидланди. 2019 йил 8 апрель куни Президентимизнинг Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойиши қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат қабул қилинишининг зарурати нималарда намоён бўлади? Ривожланган мамлакатларда миллий ғоя давлат мақсадларини халқ мақсадларига уйғунлаштиради. **“Бир ҳудуд – бир халқ”** эътиқодини шакллантириб, мамлакатлар аҳолисини бирлаштиргани, умумий мақсад йўлида сафарбар қилганига мисоллар кўп. Уларнинг аксарида миллий ғоя миллий қадриятларга боғлаб сингдирилганини кўрамиз.

Илмий таҳлиллар шуни кўрсатияптики, “Тарих – синтоизм – конфуцийлик – самурайлик иродаси” қадриятлари негизида япон миллий ғояси ишлаб чиқилган. Одамларга ишонч, рағбат берилди. Мактабнинг тарбиявий ишлар тизими, ғояси ислоҳ қилинган. Уюшган миллатнинг жуда қаттиқ меҳнати дунёда “Япон мўъжизаси”ни намоён қилди. Хитойда ҳам миллий заминга – Конфуций таълимотига мурожаат қилинган. Конфуций меросидан диний таълимот эмас, балки ахлоқий (хулқ учун) асос сифатида фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Ёшлар тарбияси “Она Ватанга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш” ғояси асосида ташкил этилган. Ёшларга шахсий ва миллий манфаатларни уйғун тутиш ўргатиб борилади.

Айрим таҳлилчилар АҚШда давлат мафкураси йўқ, деб талқин қилишга уринишади. Аммо америкаликларнинг маънавиятини ўрганган олимлар АҚШ каби мафкуралашган давлатни топиш қийин, дейишади. АҚШда мафкура вазифасини “Америка орзуси” (American Dream) бажармоқда. У Америка давлатининг олий қадриятлари йиғиндиси, миллатнинг маънавий онаси деб тушунилади. “Америка орзуси”нинг асосий тушунчаларини шахс эркинлиги, эркин тадбиркорлик, демократия, муваффақиятга эришишга қаратилган меҳнат ташкил қилади. Албатта, америкаликлар мафкура бўлмаса, давлат бошқарувида

тизимлилик бўлмайди. Тизимсиз эса самарали сиёсат бўлиши мумкин эмас. Жумладан, америкалик давлат арбоби бири У.Сэфайр “Агар Америка тузуми – скелет бўлса, американча орзу – унинг қалбидир”, деган фикрни билдирган.

Бугунги кунда ҳар томонлама жадал ривожланиб бораётган Жанубий Кореяда ҳам миллий ғоя халқнинг миллий ўзлигига ва ёшлар тарбиясига қурилган. Мактабда миллий ғоя ёшлар онгига урф-одатлар, ахлоқий идеаллар орқали сингдириб борилади. Ёшларни ҳаётга тайёрлашда оила, мактабгача таълимга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Ҳозирги даврда ҳам корейс оилаларида умумий бюджетнинг **56 фоизи** боланинг таълим-тарбияси, инсон капитали – Human Capital га ажратилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғояга янги давр, миллатимиз тарихининг янги босқичи талабларидан келиб чиққан реал талаблар қўйилмоқда.

Илгари миллий ғоя ижтимоий-гуманитар, маънавий-маърифий масала, деб тушунилди. Бугун унинг иқтисодий, сиёсий пойдевори – “Ўзбекистон-2030” стратегияси мавжуд. Тактикаси сифатида ҳар йилнинг бош Дастури, маблағи, ижрочилари бор. Демократия – тўғрилик, ростлик, адолат, қонунийликнинг шарти. Ноҳақдан – ҳақни, золимдан – мазлумни, зўравондан – ожизни ҳимоя қилишга хизмат қилади. Жамоатчилик назоратини ишга солади.

Мамлакатда адолат, қонунийлик бузилар экан, демократия ҳам, миллий ғоя ҳам шунчаки шиорлар бўлиб қолади. Халқни рози қилиш дастаклари сусаяди. Халқ норозими, демак, миллий ғоя ўз бонгини урмаётган, вазифасини бажара олмайди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар миллий ғоя халқимизнинг куч-қудратига айланиши учун шароит яратди. Энди гап миллий ғояни ҳар бир ўзбекистонликнинг ниятига ва ҳаракатига айлантиришда. Доно халқимиз айтганидек, яхши фикр яхшиликка, ёмон фикр ёмонликка йўл очади. Бугунги кунда ахборот майдонини нуқул негатив контент эгаллаб олмаслиги учун позитив, яхши, некбин мазмун, мавзулар билан мутаносиб тўлдиришга алоҳида эътибор қаратмоғимиз зарур. Негаки, биз катталар ҳам, болаларимиз ҳам ҳар куни яхши-ёмон фикрлардан таъсирланамиз. Бир-биримиз

билан ижтимоий тармоқда тортишамиз, айтишамиз, уришамиз. Лекин биз буларнинг негатив фикрлардан бошланган ғоялар кураши эканлигини англамаймиз.

Бугунги кунда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” бош ғоя сифатида қаралар экан, юксалиш ҳаракатни талаб қилади. Демак, миллий ғоямиз ҳаракатлар мафкураси бўлади, деб ёзади профессор М.Қуронов. Миллий ғоя одамларга ислоҳотлар ким учун, нима учунлигини, аҳамиятини тушунтиради. Ётганни – ўтқазади, ўтирганни – турғизади, турганни – юргизади, юрганни – югуришга ундайди. Тушунтиради. Чунки шуларни тушунмаган одамлар бирлашмайди, кўр-кўрона, юзаки ишлайди. Бири ишласа, иккиси томошабин бўлади. Тушунганлар бирлашиб, ихтиёрий, завқ билан ишлайди. Натижада ҳаётидан рози бўлади, деб таъкидлайди.

Ғоявий бирлик одамларнинг қайси ҳатти-ҳаракатларида кўринади? Ўзаро меҳрибон, ҳамфикр ва бир-бирини қўллаб-қувватлаётганида, ишда, ўқишда, инноваторликда, тадбиркорлик, илм, ижодда фаолликларида ва буни миллий ғояга боғлаб тушунишларида, оила, ишхона, реал ва виртуал ҳаётда ўзаро аҳилликларида намоён бўлади. Шу билан бирга, миллий ғоя рўёбига халақит берувчи бузғунчи ғояга қарши тез ва уюшишларида. Масалан, 2019 йил апрель-май ойларида давлат тили бўйича бошланган хештег бизнинг бирлаша олишимизни кўрсатди. Бахтли, ҳаётдан рози бўлишига ишончида, сўз ва амал бирлигида ҳам миллий ғоя яққол кўзга ташланади.

Миллий ғоямизнинг моҳиятини битта сўзда айтиш мумкин бўлса, бу сўз – розилик. Бу фикр давлатимиз раҳбарининг халқимиз билан самимий суҳбатларида такрор ва такрор таъкидлаб, тушунтирилмоқда. Зеро, миллий ғоя рўёби халқнинг муайян вақт ва маконда ўзини бахтли деб ҳис қилишида, бу эса унинг шукроналарида – ҳаётдан розилигида намоён бўлади. Аслида бу жараён бошланиб кетди.

Миллий ғоя ҳар бир ўзбекистонликнинг, оддий одамларнинг мана шундай шукронасига восита бўлади. Мамлакатимизда розилик, бахтиёрлик фоизи борган сари ошиб бораверади. Эртага одамлар бугунгидан яхшироқ бахтни орзу қилади.

Бу эса миллий ғоямизни бойитади, янгилайди. Демак, халқимизнинг ўз ҳаётидан розилик даражаси – миллий ғоямиз рўёбининг даражасини кўрсатади.

Маҳаллада тинчликни таъминлашда қуйидагиларга аллоҳида эътибор қаратиш лозим.

ЭКСТРЕМИЗМ (лот. — ўта, кескин) — сиёсатда ва мафкурада ашаддий, фавқулодда ҳаракат ва қарашларга асосланиб фаолият юритиш. Экстремизмнинг сиёсий ва диний кўринишлари яққол ажралиб туради. Сиёсий Экстремизм намояндалари ўзларининг ғаразли мақсадига эришиш учун куч ишлатиш усулларидан фойдаланиб, мавжуд сиёсий тузилмаларнинг барқарор фаолият юритишини бузиш ва йўқотишга ҳаракат қилади. Бу йўлда экстремистлар ва экстремистик ташкилотлар “демократия” ниқоби остида баландпарвоз шиорлар, чақириқлар билан чиқиб, террорчилик ва партизанлик ҳаракатларини қўллабқувватлайдилар, қонунга риоя этмаслик, иш ташлашлар, тартибсизликлар чиқариш, террор қилиш усулидан фойдаланадилар.

ТЕРРОРИЗМ (лот. terror — қўрқинч, даҳшат) — сиёсий рақибларни, мухолифларни йўқотиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари жумладан, таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва бошқалар терроризмнинг якка тартибдаги ва гуруҳли тоифаларда намоён бўлади.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг **“Маънавият – энг таъсирчан қуролимиздир”**, деган фикрлари бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли қарорида бир қатор вазифалар белгиланган.

Аҳоли билан ишлаш самарадорлигини ошириш, юртдошларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришда маҳалла институтининг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ШАХСЛАРГА СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШ

А.Ф.Эргашева.

2023 йил октябр ҳолатига кўра “Ҳунарманд” уюшмаси Бухоро вилоят бошқармасида **2224 нафар** ҳунармандлар аъзо бўлиб, шундан **1246 нафари** (56%) хотин-қизлар ва **497 нафари** (22%) ёшларни ташкил этади. Уларга **5812 нафар** шогирдлар бириктирилган.

2023 йил давомида ҳунармандчилик йўналишида **4550 нафар** янги иш ўринлари яратилиши орқали бандлиги таъминланди, **387 нафар** ишсиз фуқаролар субсидия маблағи эвазига уюшмага аъзо қилинди.

Бухоро вилоятида ҳунармандчилик фаолиятининг **гул босилган газламалар ва чокли буюмлар, каштачилик, қимматбаҳо металдан ясалган заргарлик буюмлари, зардўзлик буюмлари, миниатюра, ранг-тасвир, наққошлик ва бўёқли нақшлар, кандакорлик, мисгарлик, қўлда гилам тўқиш ва чарм маҳсулотлари** каби йўналишлари кенг ривожланган бўлиб, норасмий ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётганлар билан ишлаш натижасида 2023 йилда **532 нафар** фуқаро рўйхатдан ўтказилиб, давлатимиз томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланишига кўмаклашилди.



2023 йилда кўра **14 нафар** турли миллат вакиллари ҳунармандлар уюшмаси рўйхатидан ўтиб, ўз фаолиятларини олиб боряптилар. **Бухоро ва Когон шаҳри, Когон, Ромитан, Бухоро туманлари**да турли миллат вакил ҳунармандлари мавжуд.

2023 йил 1 октябр ҳолатига кўра Бухоро вилоятида жами **10 та** ҳунармандчилик марказлари фаолият олиб бормоқда. Ҳунармандчилик марказларида шогирдлар сони чегараланмаган бўлиб, тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан устоз-шогирд анъанаси асосида ўқув курслари ташкил этганларга субсидия асосида усталарга ва шогирдларга ойлик иш ҳаққи тўланмоқда.

Бухоро вилоятида фаолият юритиб келаётган ҳунармандлар фаолият юритиб келаётган туманлари кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, энг кўп ҳунармандлар сони Бухоро шаҳар, Ғиждувон, Ромитан ва Жондор туманларига тўғри келади.



Ҳунармандчилик ва унинг туризм ривожланишдаги роли барча мамлакатларнинг кучли маданий меросининг бир қисми саналади. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари ҳунармандчиликни туризмни ривожлантиришнинг асосий маркази деб билишади ва йирик ҳунармандчили к ишлаб чиқариш марказлари ёнида туризм объектларини ташкил этиб келишган.

Ўзбек ҳунармандлари дунёга ҳунармандчилик маҳсулотлари хилма-хиллиги, нафислиги, ўзларининг маҳорати билан машҳур. Ҳунармандчилик нафақат иқтисодий эҳтиёжларини, балки инсоннинг эстетик истагини ҳам қондиради.

Бухоро вилоятидаги ҳунармандчилик марказлари

№	Ҳудуди номи	Ҳунармандчилик маркази номи	Йўналиш тури	Яратилган иш ўрни	Фаолиятни бошлаган йил
1.	Бухоро шаҳар	“Букҳара силк сарпетс ҳандмаде”	Қўлга гилам тўқиш	80	1997 йил
2.	Бухоро шаҳар	“Бухоро заргарлик маркази” заргарлик маркази	Қимматбаҳо металдан ясалган буюмлар	20	2022 йил
3.	Бухоро шаҳар	"Букҳара Нисе сарпет" гиламчилик маркази	Қўлга гилам тўқиш	60	2020 йил
4.	Бухоро шаҳар	“Малика Султон” зардўзлик маркази	Зардўзлик	150	2022 йил
5.	Бухоро шаҳар	“Устоз-шогирд” амалий санъат маркази”	Миниатюра, ранг тасвир, нақкошлик ва бўёқли нақшлар.	20	2019 йил
6.	Бухоро шаҳар	Модарихон мадрасаси ҳунармандчилик маркази	Барча йўналишлар	30	2022 йил
7.	Бухоро шаҳар	“Уста даврон миниатюра” маркази	Миниатюра, ранг тасвир, нақкошлик ва бўёқли нақшлар.	40	2019 йил
8.	Бухоро туман	Б.Нақшбанд ҳунармандчилик маркази	Сомон санъати, Миниатюра, ёғоч ўймакорлиги, каштадўзлик	40	2021 йил
9.	Ғиждувон тумани	Кулол устозода маркази	Кулолчилик.	20	2017 йил
10.	Вобкент тумани	Зардўзлик маркази	Зардўзлик	30	2022 йил

<u>«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун:</u>

1, 2, 3-тоифа туман ва шаҳарларда – Базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) **2 баравари**гача;

4-тоифа туман ва шаҳарларда – БҲМнинг **4 баравари**гача;

5-тоифа туман ва шаҳарларда – БҲМнинг **5 баравари**гача.

Шогирдларга – мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун:

1, 2, 3-тоифа туман ва шаҳарларда – Харажатларнинг 50 фоизи, бироқ БҲМнинг **25 баравари**гача;

4-5-тоифа туман ва шаҳарларда – Харажатларнинг 75 фоизи, бироқ БҲМнинг **30 баравари**гача.

Усталарга – интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон савдо майдонларига чиқариш ва реклама харажатлари учун:

1, 2, 3-тоифа туман ва шаҳарларда – Харажатларнинг 50 фоизи, бироқ БҲМнинг **25 баравари**гача;

4-5-тоифа туман ва шаҳарларда – Харажатларнинг 75 фоизи, бироқ БҲМнинг **30 баравари**гача.

«Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун:

1, 2, 3, 4, 5-тоифа туман ва шаҳарларда – БҲМнинг **5 баравари**гача.

Ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи бўйича:

1, 2, 3, 4, 5-тоифа туман ва шаҳарларда – БҲМнинг **40 бараваригa**ча пул маблағлари ажратилмоқда.

Бухоро вилоятида аъзо ҳунарманд шогирдлар таркиби

№	Туман/шаҳар номи	Жами	Аъзо шогирдлар таркиби					
			Эркаклар	%	Аёллар	%	Ёшлар	%
Жами		**6285**	**1980**	**31.50%**	**4305**	**68.50 %**	**4080**	**64.92%**
1	Олот тумани	111	23	20.72%	88	79.28%	59	53.15%
2	Бухоро тумани	491	141	28.72%	350	71.28%	291	59.27%
3	Вобкент тум.	430	45	10.47%	385	89.53%	227	52.79%
4	Бухоро шаҳри	847	272	32.11%	575	67.89%	522	61.63%
5	Ғиждувон тум.	649	242	37.29%	407	62.71%	416	64.10%
6	Когон шаҳри	369	160	43.36%	209	56.64%	329	89.16%
7	Жондор тум.	556	127	22.84%	429	77.16%	271	48.74%
8	Когон тумани	454	121	26.65%	333	73.35%	396	87.22%
9	Қоракўл тум.	532	205	38.53%	327	61.47%	333	62.59%
10	Қоровулбозор т.	40	0	0.00%	40	100%	32	80.00%
11	Пешку тум.	549	227	41.35%	322	58.65%	300	54.64%
12	Ромитан тум.	681	308	45.23%	373	54.77%	594	87.22%
13	Шофиркон тум.	576	109	18.92%	467	81.08%	310	53.82%

Маҳаллаларда ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратиш схемаси ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидаги тартибда амалга оширилиб келмоқда:

✓ тадбиркорлик субъекти (талабгор) туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига мурожаат қилади;

✓ туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида буйруқ қабул қилади;

✓ ўрганиш натижаларига кўра субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида буйруқ қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу буйруқ нусхасини юборади.

✓ туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ўқиш бошланган ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасида талабгорга субсидия ажратади;

✓ субсидия ажратилган талабгор ўқиш бошланган кундан 10 кун ичида касаначиларни касб-ҳунарга ўқитиш бошлаганлиги тўғрисида маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда хабардор қилади.

Ҳунарманд ва косиблар фаолиятини кенгайтириш, усто-шогирд анъаналарини давом эттиришда маҳаллалар томонидан ажратиладиган субсидиялар ўрни катта бўлиб, келажакда ушбу субсидиялар миқдори оширилса, берилиш тартиби соддалаштирилса ҳунарманд ва косиблар фаолияти самарадолиги янада ошар эди, буни натижасида мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринларининг яратилиши ва жиноятчиликдан холи ҳудудга айланишга асос бўлади.

МАҲАЛЛАДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ж.Р.Тохиров, А.А.Пулотов

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида **“Бундан буён ҳар бир қишлоқ ёки маҳалла ўз йўналиши ва “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб ривожлантирилади. ... Шунингдек, маҳалланинг нуфузини, унинг ресурс ва имкониятларини ошириш, ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқиш зарур”** – деб таъкидлаб ўтди.

Ҳудуддаги **аҳолининг салоҳияти** – бу ҳудудда истиқомат қилувчи обрўли шахслар, тадбиркорлар, фермерлар, истиқомат қилувчи раҳбарлар, зиёлилар, фаол хотин-қизлар ва ёшлар ҳамда аҳолида мавжуд бўлган иқтисодий ресурслардир.

Аҳолининг фойдаланилмаётган салоҳияти, яъни бўш турган бино, иншоот, иш қуроли, фойдаланилмаётган томорқа ери, бўш турган пул маблағлари, банд бўлмаган аҳоли, даромад келтириши мумкин бўлган аниқ ғоя, бизнес-режа ва ташаббуслари аниқланади.

Касбий кўникма – инсоннинг ақлий қобилияти, орттирилган меҳнат тажрибаси асосидаги касбий малака савиясини рўёбга чиқариш имкониятидир.

Драйвер соҳалар – ҳудуд аҳолиси **даромадларини ошириш ва иш билан банд қилиш**да муҳим бўлган фаолият йўналишлари ҳисобланади. Драйвер соҳаларда келажак учун маҳалла аҳолиси даромадлари ва иш билан бандлигини ошириш орқали камбағалликни камайтиришда юқори имкониятга эга бўладиган соҳалар ҳамда фаолият турлари назарда тутилади.

Янги бизнес лойиҳалар – ҳудуддаги мавжуд иқтисодий имкониятларни рўёбга чиқариш ва драйвер соҳаларни ривожлантириш ҳисобига маҳалла аҳолисини даромадини ошириш воситасида камбағалликни қисқартирадиган ва бандликни таъминлайдиган истиқболли дастурлар.

Жамоат ишлари – ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли учун умумжалб этиш мумкин бўлган, алоҳида тайёргарлик ва малака талаб қилмайдиган, ҳақ тўланадиган вақтинчалик меҳнат фаолияти турларидир.

Ишсизлар туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига меҳнат шартномаси асосида жалб этилади. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига иш излаб юрган ва айни дамда ишсиз сифатида руйхатдан ўтган фуқаролар жалб қилинади. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига йўлланмани **Аҳоли бандликка кўмаклашиш марказлари (АБКМ)** тақдим этади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- шаҳарларнинг, туманларнинг, аҳоли пунктларининг, маҳаллаларнинг ҳудудларини ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш (кўкаламзорлаштириш, йиғиштириш, оқлаш, ариқларни, қабристонларни, зиёратгоҳларни, маданий объектларни тозалаш ва бошқалар);
- уй-жой-коммунал объектлар ва бошқа инфратузилма объектлари ҳудудларига туташ уй-жой фондининг объектларини таъмирлаш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишини таъмирлаш;
- кўчаларни, йўлларни ва йўлкаларни таъмирлаш;
- қишлоқ хўжалиги ишлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилини йиғиб-териб олиш, ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаш;
- ногиронлиги бўлган шахсларни, кексаларни, беморларни ва бошқа шахсларни парваришлаш;
- саноат тармоқлари ташкилотларидаги ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ишлар;
- объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари;

- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қарорларига мувофиқ, ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш учун камида икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, айрим ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўн бир ойгача муддатга муддатли меҳнат шартномалари тузилади.

АБКМ буюртмачи иш берувчи билан шартнома тузгандан сўнг ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларга ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун йўлланма беради. Буюртмачи иш берувчи ҳар ойнинг 15-санасига қадар ҳисобот ойининг биринчи ярми учун АБКМга фуқароларнинг жамоат ишларида қатнашган даври бўйича ҳисобга олиш табелини тақдим этади. АБКМ буюртмачи иш берувчи томонидан ҳисобот ойининг 15-санасига қадар тақдим этилган табелга асосан Жамғарма томонидан қопланадиган тўловларнинг 50 фоиз қисмини аванс сифатида тўлайди.

АБКМ томонидан тасдиқловчи ҳужжатлар (табель, қайднома) олингандан сўнг, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар ўтган ой учун тўланган аванс суммасини чегириб ташлаган ҳолда жамоат ишларида қатнашган фуқароларнинг иш ҳақларининг қопланадиган қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги бўлинмаларига мемориал ордер ёки тўлов топшириқномаси ва бажарилган ишлар бўйича тузилган далолатномани илова қилган ҳолда юборади.

Буюртмачи иш берувчилар жамоат ишларида қатнашувчи шахсларни жалб қилган ҳолда амалга оширилган жамоат ишлари тўғрисидаги маълумотни, шунингдек буюртмачи иш берувчиларнинг биринчи раҳбарлари томонидан имзоланган бажарилган ишлар бўйича далолатномалар нусхасини ҳар ойда АБКМга тақдим этадилар.

Жамоат ишларини бажараётган фуқароларга корхоналарда амалга бўлган ставкалар ва лавозим маошлари (ишбай нархлар)дан келиб чиққан ҳолда, аммо иш ҳақи тўлаш бўйича Ягона тариф сеткасининг биринчи разрядидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш учун камида икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, айрим ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўн бир ойгача муддатга муддатли меҳнат шартномалари тузилади. Буюртмачи ҳамда ишсиз фуқаролар орасида меҳнат шартномаси тузилади. Ушбу дардаги фаолият иш стажига киритилиб меҳнат дафтарчасида қайд этилади. Маҳаллаларда ишсиз аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига маҳалла оқсоқоллари ҳам жалб этиши мумкин. Ушбу фаолият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фуқароларни ўз ўзини бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги Низоми қарорига асосан амалга оширилади. Бу ерда маҳаллалар буюртмачи сифатида қатнашади.

Жараённи ташкиллаштириш қуйидаги схема асосида амалга оширилади:

- Маҳалла оқсоқоллари томонидан ҳар ойнинг 15-санасигача Аҳоли бандликка кўмаклашиш марказларига бажарилиши керак бўлган ишлар ва зарур ишчи кучига талабни шакллантириб беради;
- Аҳоли бандликка кўмаклашиш марказлари барча буюртмалар бўйича аризаларни бирлаштириб район ҳокимиятларига тасдиқлашга жўнатади;
- Ҳоким томонидан тасдиқланган умумий буюртмалар жамоат ишлари Фондига тасдиқлаб, маблағ ажратиш учун юбортирилади;
- Фонд ҳисобот ойининг 5-санасигача Аҳоли бандликка кўмаклашиш марказлари ҳисоб рақамларига маблағларни кўчириб беради;
- Аҳоли бандликка кўмаклашиш марказлари буюртмачи ҳамда иш бажарувчилар ўртасидаги шартномаларни тузади;

Иш бошланишидан 5 кун олдин Аҳоли бандликка кўмаклашиш маркази ишсизга йўлланма тақдим этади. Маҳалла оқсоқоли эса у билан шартнома тузади.

Вақтинчалик ишсизлик нафақаси олиб турган ишсизлар учун шартнома тузилган кундпан бошлаб нафақа тўлаш тўхтатилади. Шартнома муддати якунлангач қайта тикланади.

АБКМ ҳар ойнинг 20-санасига қадар буюртмачи иш берувчилардан келгуси ойда жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртмаларни қабул қилади ва мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар доирасида ҳар ойнинг 25-санасига қадар йиғма буюртмани шакллантиради ва тасдиқлайди.

АБКМ зарурат бўлганда, ишсизлик ёки ишчи кучига бўлган талаб ошган ҳудудларда фуқароларни тезкор жамоат ишларига жалб этиш бўйича қўшимча буюртмаларни шакллантириши ва тасдиқлаши мумкин.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларга иш ҳақи тўғри ҳисобланиши ва бажарилган жамоат ишларининг ҳақиқий ҳажмлари тўғри ҳисобга олиниши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг ўрнини қоплаш учун йўналтирилган маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан жавобгарлик буюртмачи иш берувчининг зиммасига юкланади.

Жамоат ишларида қатнашувчи ишсиз банд бўлмаган ва суд қарорига асосан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилган шахслар рўйхатларини шакллантиришда мазкур ҳудудда доимий ва вақтинча яшовчи банд бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек меҳнат фаолиятига жалб этиладиган чет эллик фуқаролар қамраб олиниши лозим.

Жамоат ишларини ташкил этиш даврида буюртмачи-иш берувчи қонунчиликка мувофиқ меҳнат муҳофазаси талабларига мос шароитларни таъминлайди.

АБКМ ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш мониторингини бир ойда бир марта жойнинг ўзига чиқиб ўрганиш орқали ўтказади ва тегишли мониторинг далолатномасини расмийлаштиради.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўтказиш тартиби бузилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, далолатнома расмийлаштирилади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чоралар кўрилади.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жамоат ишлари дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўйича бош мутахассислари ҳар ойда, шу жумладан жойига борган ҳолда жамоат ишларининг ташкил қилиниши, амалга оширилиши ва ҳақ тўланишини назорат қилади.

Иш берувчи жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларни иш жойида бўлмаганлиги сабаблари тўғрисида АБКМни огоҳлантириши керак. Жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар мунтазам сабабсиз иш жойида бўлмаса, АБКМ иш жойида мунтазам йўқ бўлган ходим учун иш берувчиларга харажатларни молиялаштирмайди;

Жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилган шахслар иш жойида мунтазам йўқ бўлган ҳолатлар юзасидан АБКМ ходимлари томонидан пробация бўлинмаларига хабарнома юборилади.